260496

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 24 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 29 (6726)

Даъват

Дунёда энг ҳазар қилинадурғон иллат жаҳлдур. Мен жоҳилга ачинганимдек суқирга ачинмайман, зероки жоҳилнинг ўз ихтиёри ила қилган ҳаракати аъмонинг ихтиёрсиз қилган ҳаракатидан менинг назаримда хунук.

СУҚРОТ.

Ибрат

Боғот туманидаги Бобур номли мактаб қошида «Уқувчи» кичик корхонаси, сартарошхона, суратхона, этикдўзлик хизмати ташкил этилган. Шунингдек, мактабда иссиқхона ҳам ишлаб турибди. Даромад мактабни ободонлаштиришга, таълим-тарбия билан боғлиқ бошқа зарур эҳтиёжларга сарфланмоқда.

Муносабат

«ВАТАНИМ УЧУН ЖОНИМНИ ҲАМ АЯМАЙМАН»

Харитадан бугун ажабтовур воқеа-ҳодисалар содир бўлаётган Россия давлати ҳудудига тикилганча ўйга чўмаман. Унинг майдони мустақиллигини қўлга киритган собиқ Иттифоқдаги барча давлатларнинг жамлангандаги ҳудудидан қарийб уч ярим баробар катта. Уч ярим баробар! Ўз-ўзидан унда яшаётган халққа ҳавас билан қарагандай бўласиз, ахир, шунча ери бор, унда деҳқончилик қилса, фойдали қазилмалари, техникаси... эҳ-ҳе, дунёда энг бой давлат бўлиши мумкин, дея ўйлайсиз. Шунда ногаҳон миянгизни бир фикр «пармалай» бошлайди: нега шунча ҳосилдор ери, илмий потенциали, техникаси бор шундай қудратли давлат ўзи боқиманда деб атаган давлатларга «интеграция»ни «чуқурлаштириш»ни таклиф этади? Нега ўзаро тенг ҳуқуқли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)дан унинг кўнгли тўлмади?

Чунки у, аввало, ўзининг аҳволи ночор эканлигини сезиб қолди. Арзимаган нархда қўшни республикалардан хомашёни олиб, истаганича тасарруф қиларди. Қолаверса, бу саволларга Ўзбекистон Президенти «Рабочая трибуна» газетаси мухбирининг саволига берган жавобида тўлиқ ўқишимиз мумкин: «МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг ўзи интеграция учун етарли даражада асос яратади. Биз эса бошланган ишни охирига етказмай, қабул қилинган қарорларни амалга оширмасдан улардан юз ўгирамиз ва яна янгиданянги иттифоқлар тузмоқчи бўламиз. Бу қандайдир интеграция ўйинига, ўйин бўлганда ҳам сўнгсиз ўйинга айланиб қолмоқда».

Юртбошимизнинг жавобларида «Интеграция ғоясини чайқовга солмаслик керак» деган ўринли фикр бор. Тарихда ўқиганим — XIX аср охирида Туркистонда бошланган руслаштириш сиёсатида «Тиллар интеграцияси» маъносидаги иборага кўзим тушганди. Дарҳақиқат, бу ҳақда «Энциклопедик луғат»да ҳам бор: «Тилларнинг интеграциясида илгари турли тиллар (диалектлар)дан фойдаланган коллективлар ягона тилни ишлата бошлайдилар» (267-бет). Бундаги сўз ўйинларини қаранг! Қайси коллективлар, қайси тилни ишлата бошлайдилар? Бу «Тиллар интеграцияси» ниқобидаги руслаштириш сиёсати эди. Демак, «интеграция»нинг бу элда азалдан «моҳирона» ишлатилганига далил бор. Ўзбекистон Президенти ҳам улар таклиф қилган интеграцияга 5 та шартни қўйдики, бу шартлар улар ўйлаган ўйиннинг чиппакка чиқанлигидир.

Хулоса шулки, жаҳонда, жумладан, собиқ Иттифоқ республикаларида бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг сир-синоатлари, сиёсатчиларнинг сиёсий ўйинларини англаб, натижаси қандай бўлиши мумкинлигини хорижий журналистлар орқали дунё халқига очиқ тушунтираётган, Ўзбекистон халқига эса тушунтирибгина қолмай, балки ларни мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чорлаётган юртбошимиз фикрлари юртнинг ҳар бир фуқаросида жамулжам бўлиши халқнинг миллий маънавий қиёфасини белгилайди.

Ҳўш, буларни халқимизга ким тушунтиради? Албатта муаллимлар — юрт зиёлилари. Тўй-маъракаларда, турли йиғину маҳалла тадбирларида халқ, аввало, муаллимларга қулоқ солади, биринчи бўлиб уларнинг фикрларини қабул қилади. Чунки улар ўқимишли инсонлар.

Қувончли томони шундаки, мустақилликнинг туб моҳиятини аксарият муаллимларимиз тўғри англашмоқда. Буни жойларда ўқитувчилар билан учрашиб суҳбатлашганда ҳам, таҳририятимизга тинимсиз келаётган хат-хабарлар мазмунидан ҳам билиб, ишонч ҳосил қилаяпмиз. Мана улардан бири:

«Биз Ўзбекистонимизга муносиб фарзандларни билимли қилиб етказишга, тарбиялашга, шунинг баробарида мустақиллигимизни асрашга ўз ҳиссамизни қўшамиз». (Муҳаббат Абдураҳмонова, Олтиариқ туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси).

Бугун юртга фидойилар керак. Бундай инсонлар етишяптими? Қуйидаги фикр соҳиби — талаба. Унинг фикри юқоридаги саволга тасдиқ жавобини беради, келажакка бўлган ишончингизни мустаҳкамлайди:

«Уша қарорни эшитиб аъзойи баданим қақшади... Йўқ, биз энди ҳеч қачон мустамлака давлат бўлмаймиз. Нега? Мана мен лицейда ўқияпман. Ўқиш, ўрганиш, спорт билан шуғулланиш, яшаш, овқатланиш учун шароит етарли. Биз ҳозир Германиянинг Хайделберг ва Манкайм шаҳарларидаги «Мерседес Бенц» корпорацияси ҳомийлигида ташкил этилган махсус ҳунар лицейларининг тажрибалари асосида касб ўрганаяпмиз. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик шарофати-ку! Шахсан мен Ватаним учун керак бўлса, жонимни ҳам аямайман». (Раҳматилла Пулатов, Шаҳрисабз ҳунар лицейи талабаси).

Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида учраётган табиий қийинчиликларни ўзга давлатлар осонлаштиради, деб умид қилувчилар, эски мустаъбид тузумни қўмсаётганлар мана шу талабанинг «Ватаним учун жонимни ҳам аямайман» деган сўзларини қандай қабул қилишаркин-а?

Ватан учун жонини бериш...

Бу гапни айтиш учун, биласизми, инсонга нима керак? Шижоат, покиза кўнгил, самимият, Ватанга меҳр... Бу сўзлар ўқийдиган, фикрлайдиган, келажагини мустақил Ватанисиз тасаввур қилолмайдиган билимли кишигагина хос. Ватанпарварликнинг нишонаси ҳам шу.

Шу муқаддас тупроқ учун жонини қурбон қилишга тайёр боболар тилидаги, дилидаги калом бугунги ёш авлод дилига жо бўлмоқда. Бу мустақил юртнинг эртанги кунига, равнақига бўлган ишончдир.

Ҳалим САЙИД.



Олимпиада — 96

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...

Одатда, «олимпиада» сўзи тилга кўчиши биланоқ кўз ўнгимизда ловуллаб ёнаётган машъалалар, кўркам ва чайир қоматли спортчилар жонланади. Чунки неча-неча замонлардан бери шу атама майдонларида «менман» деган спортчилар ўзаро беллашадилар, куч синашадилар. Бироқ бизнинг давримизга келиб «олимпиада» ўзининг сирли ҳалқаларини узиб, кенг маъно касб этди. Энлиликда унинг майдонларида фақатгина билаги зўрлар эмас, балки билими зўрлар ҳам мусобақалашмоқда, курашишмоқда. Шу боис ҳам, сўнгги ўн-ўн беш йил ичида, «ўқувчилар олимпиадаси», «талабалар олимпиадаси», «ёш математиклар олимпиадаси» каби иборалар ўзимизники бўлиб қолди.

Мана, куни кеча ўрта махсус педагогика ўқув юртлари ўқувчиларининг республика олимпиадаси якунланди. Уч кун мобайнида давом этган бу ўзига хос мусобақа педагогика билим юртлари талабаларининг ажиб бир байрамига айланиб кетди, десак муболаға бўлмас. Чунки шу олимпиада баҳона мустақил юртимизнинг турли бурчакларидаги турли педагогика билим юртларидан пойтахтимизга ташриф буюрган талабалар ўзаро танишиб дўстлашдилар.

Олимпиадада мамлакатимизнинг турли шаҳар ва туманларида жойлашган 16 та педагогика билим юртларидан саралланган талабалар қатнашишди. Саралланган деганимизнинг сабаби шуки, улар аввал ўз минтақаларида ўтказилган мусобақаларда фаоллик ва зукколик кўрсатиб республика (III босқич) олимпиадасига йўлланма олганлар.

Республика олимпиадаси 1- ва 2-Тошкент педагогика билим юртларида, Ю. Ражабий номидаги мусиқа педагогика билим юртида, шунингдек, Тошкент вилояти педагогика билим юртида ўтказилди. Бу нуфузли даргоҳларда тадбирни қўнгилдагидек ўтказиш учун барча шарт-шароитлар тайёрланган эди. Шу боис ҳам мусобақаларнинг ҳар бир тури қизиқарли ва жонли манзара касб этди...

Олимпиаданинг якунига бағишланган йиғилиш Республика таълим илмий-методика марказида тантанали равишда ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этиб, ғолибларни табриклади ва мукофотларни топширди.

Ҳўш, бу шов-шувли олимпиада кутилган натижалар бердими? Унинг янада қизиқарли ва сермазмун ўтиши учун яна қандай ишлар амалга оширилганда кўнгилдагидек бўларди? Дарвоқе, ушбу мусобақа ҳақида унинг иштирокчилари нима дейди?

Замира НАЗАРОВА (Успенский номидаги Самарқанд педагогика билим юрти директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари):

— Пойтахтимизда ўтказилган III босқич республика олимпиадасида бизнинг билим юртимиздан 6 нафар талаба қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Беллашув натижалари, шубҳасиз, адолатли ва холис баҳоланди. Ушбу олимпиада бизнинг талабалар ўртасида бораётган ўқув ва тарбиявий ишларимизни акс эттирган ўзига хос кўзгу бўлди десак, янглишмаймиз. Биз худди шу кўзгуга боқиб ютуқларимиздан қувондик, камчиликларимизни аниқлаб олдик. Хулоса қилиб айтганда, бу тадбир яхши сабоқ бўлди.

Шаҳло ШУКУРОВА (Бекобод педагогика билим юрти талабаси,

(Давоми 2-бетда).

ТЕНГЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТСИН

Республикамиз Президенти И. А. Каримов шу йил 12 апрель куни Тошкентдаги Дипломатия корпуси ҳамда журналистлар билан ўтказган мулоқотида Россия Федерацияси муваққат Давлат Думасининг бузғунчи сиёсати ҳақида, Ўзбекистон ўз мустақил йўлидан ортга чекинмаслиги хусусида таҳлилий фикрлар юритганлиги ҳаммага маълум. Мазкур мулоқот мазмуни, республиканинг барча жойларида бўлгани каби, Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ҳайъат йиғилишида ҳам қизғин муҳокама қилинди. Ҳайъат аъзолари унда илгари сурилган ғояларни педагогик кенгашларда, дарс жараёнида, мактабдан ва синфдан ташқари машғулотларда, ота-оналар билан ўтказиладиган учрашувларда чуқур ўрганиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бошқарма бошлиғи Жўрабек Халилов шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирларига, лицей, гимназия, интернат ва бошқарма тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарларига мазкур воқеа юзасидан ўтказиладиган йиғинларда Узбекистоннинг ўзи танлаган йўлдан оғишмаслигини, унинг дунё давлатлари билан ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни бундан кейин ҳам дадил ривожлантириб бораверишини тушунтиришни алоҳида таъкидлади.

Ўз мухбиримиз.

ХАЙРЛИ ИШ КЕЧИКМАСИН

Таклиф

Республикамиз миқёсида барча социологик тадқиқот ўчоқларининг фаолиятини системалаштириш, координация қилиш, мувофиқлаштириш, уюштириш ва аҳолини доимо янги социологик ахборотлардан хабардор қилиб туриш учун ягона социологик тадқиқотлар ва ахборотлар марказини ташкил этиш лозим. Бу марказ ҳозирги замон информацион техникасининг сўнгги имкониятлари даражасидаги қуроллар билан жиҳозланган бўлиши, у тажрибали, ишончли ва малакали социологлар билан таъминланган бўлиши керак. Бундай марказда жаҳон социологик тадқиқотларининг сўнгги ютуқлари ва тажрибалари қўлланилиши зарур.

Биз ўзимиздаги ахборотларга (информацияларга) ўзимиз эгалик қилишимиз шарт. Акс ҳолда миллий мустақиллигимиз фаолиятида нохуш ҳолат юз беради. Яъни бизнинг ахборотлар тизимимиз бошқалар қўлига ўтиб кетади. Оқибатда бошқалар «бўйнимиздан» информацион тизгин орқали «етаклаб» юришадиган ва келгуси миллий тақдиримизга «ҳўжайинлик» қилишадиган бўлишади. Бундай кўнгилсизликнинг олдини олиш учун биринчи навбатда республика миқёсидаги социологик марказни ташкил этишимиз ва унинг фаолиятидан маблағни аямаслигимиз лозим.

Социологик марказда «Социологик ахборотлар» бюллетенини чиқарсак, нур устига нур бўлади. Бундай ахборотлар аҳолининг сиёсий онгини, маданиятини юксалтиради. Кишилар мавжуд сиёсий ва ижтимоий вазиятга тўғри баҳо берадиган, ҳукуматнинг қонун ва қарорларини онгли ижро этадиган бўлишади. Уларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги, ташаббускорлиги, фаоллиги ошади, жамият миқёсида шахснинг социаллашуви кучаяди. Бизнинг орамиздан ҳам кучли жамиятшунослар, сиёсатшунослар (политологлар), дипломатлар етишиб чиқади.

«Уз вақтида» олинган «керакли» ахборотлар жамиятнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборишга қўмаклашади.

Республикамизда бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш қўлидан келадиган, билимдон, тажрибали ва тадбиркор социологларимиз етарли. Бу соҳани ривожлантириш учун бошқа фан соҳаларининг вакилларини, математикларни, программистларни, журналистларни, иқтисодчиларни, демографларни, географларни, файласуфларни, ҳуқуқшунос, тилшунос, тарихчи ва манбашуносларни ҳам жалб қилиш лозим.

Ўйлаймизки, социологик тадқиқотлар ва ахборотлар марказини ташкил этиш жамиятимизни ахборотлаштириш дастурини амалга оширишдаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолади.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 25 апрель куни соат 10 да Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар Олий Мажлис мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикасига расмий ташрифи чоғида Елесей саройида Франция Республикаси Президенти Жак Ширак жаноби олийлари билан учрашди. Шу куниёқ Ислом Каримов ўз қароргоҳида Франция Республикаси Молия ва ташқи савдо бўйича мутасадди вазири. И. Галланни ҳам қабул қилди.**

❀ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

❀ **Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий машқ майдонида Қуролли Кучларнинг умумқўшин команда — штаб машқлари бўлди. Бу машқлар қўшинлардаги қишки таълим якунларини чиқариш мақсадида ўтказилди.**

❀

Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида бўлиб ўтган тантанада Президент Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григорянга Президентимиз И. Каримовнинг табригини етказди. Чемпионга эсдалик совғаси топширди.

❀ **Москвада «катта еттилик» мамлакатлари бошлиқларининг ядро хавфсизлигига бағишланган йиғини бўлиб ўтди. Унда жаҳонда ядро хавфсизлигини таъминлашга оид бир қатор муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.**

❀ **Италияда муддатидан олдин парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда сўл марказчилар блоки ғалаба қозониб, ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини қўлга киритди.**

❀ **Араб давлатлари вакиллари Исроилнинг Ливанга қарши ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга йўналтирилган резолюцияни кўриб чиқиш ҳақидаги таклиф билан БМТ хавфсизлик кенгашига мурожаат қилди.**

❀ **Дамашқда Франция, Италия, Россия, Сурия ва Эрон ташқи ишлар вазирлари ҳамда АҚШ давлат котиби Ливан—Исроил тангликини бартараф этиш юзасидан шошилинч музокаралар ўтказдилар.**

ДИҚҚАТ! ТЕСТ — 96

ҲУРМАТЛИ МУАЛЛИМЛАР, БЎЛАЖАК АБИТУРИЕНТЛАР, АЗИЗ ОТА-ОНАЛАР!

Газетамизнинг навбатдаги сонида 1996 йилда олий ўқув юртларига кирувчилар учун бўлиб ўтадиган тест синовлари муносабати билан махсус илова берилади. Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест марказининг ўтган йилги тест синовлари натижалари ҳақида таҳлилий материаллари ҳамда бу йилги тест синовларига дахлдор расмий ҳужжатлар, уларни тўлдириш тартиблари билан танишишингиз мумкин.

Дўст ачитиб гапирар

Рақамлар «ҳикоя»си

Таълим-тарбия иши — кўп қирали жараён. Асосий вазифа эса — мактабларнинг, барча таълим масканларининг ўқув-моддий базасини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборат. Кенг ва ёруғ биноларда ўқувчиларнинг таълим-тарбияси учун шароит ҳам яхши бўлиши, бу эса ўз навбатида таълим сифатини кўтаришда, қолаверса, ёшларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омил эканлиги ҳам маълумдир.

Ҳўш, Қорақалпоғистон Республикаси мактабларининг ўқув-моддий базаси қандай аҳволда? Янги мактаб биноларининг қурилиши қандай кечаяпти? Авария ҳолатидаги мактаблар сонини қандай озайтириш мумкин?

Ана шу сингари саволларга жавоб топишдан олдин муштарийлар эътиборини қуйидаги рақамларга қаратмоқчиман. Зеро, рақамлар «ҳикоя»сини осмондан олиб ёзмадик.

Қорақалпоғистондаги жами 711 та мактабдан 56 таси мослаштирилган биноларда жойлашган, 34 таси эса тўкилай деб турибди. «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши» деган гапга амал қилиб Муйноқ туманига йўл олдим. Муйноқ Орол фожиасининг нақ юрагидадир.

Биринчи навбатда ёш авлодга ғамхўрлик ана шу ҳудуддан бошланиши лозим, мактаблар қурилишига ҳам жиддек эътибор мавжуддир, деган мулоҳазага бердим. Амалда-чи?

Ҳар йили Муйноқда биринчи синфга бораётган болалар сони ўрта ҳисобда 100 нафарга ортиб бормоқда. Демак, беш йилда яна битта мактаб пайдо бўлаяпти, деган сўз. Аммо янги ўқувчи ўринларини барпо этиш, яъни таълим масканларини қуриш болалар кўпайиши суръатидан орқада қолаяпти. Тумандаги жами 16 та мактабда 5538 ўқувчи таълим олаётир. Шундан 30 фоизигина бир сменада ёки учта мактабда ўқишади. Замонавий мактаб бинолари бармоқ билан санарли. Айрим мактабларнинг бинолари ночор.

Янги мактаблар қурилиши эса чўзилиб кетмоқда. Мисоллар келтирайлик: «Амударё» жамоа хўжалигида давлат маблағи ҳисобидан К. Султонов номли 11-мактаб учун 422 ўринли янги бино қурилиши 1992 йилда бошланган эди. Бинонинг биринчи қавати тикланиб, иккинчи қаватига қўл урилди-да, қурилиш тўхтаб қолди. 1994-1995 йилларда бу объектда иш бўлмади. Ушбу мактабни қураётган «Муйноқ сув қурилиши» трестига қарашли «Пурлитов» кўчма механизациялашган колоннаси (бошлиғи Кенгесбой Аташов) қурувчилари мазкур объект учун келтирилган қурилиш материалларининг бошқа ёққа ташиб кетилишини қандай изоҳлайдилар?! Расмий ҳужжатларда бу мактабни қуриб, фойдаланишга топшириш муддати 1997 йил деб белгиланибди. Қизиқ, ҳозирча иш ҳажмининг фақат ярмиси бажарилган бўлса, бунинг устига, айни кунларда қурилиш давом этмаётган экан, қандай қилиб бу режа амалга ошади?

Наҳотки 422 ўринли битта мактабни қуриш учун беш-олти йил керак? «Тошбақа суръати» билан ишлаш Орол денгизи экологик фожиасини бошидан кечираётган муйноқликлар манфаатига, уларнинг жигарбандлари — фарзандлари манфаатига мутлақо зид.

Шунингдек, «Қозоқдарё» овулида Қунҳўжа номли 14-мактаб учун 422 ўринли янги мактаб биноси 1992 йилдан буён битмай келаяпти. Тўрт йил давомида иш ҳажмининг атиги 10 фоизи ба-

(Давоми 2-бетда)

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ҲОТАМТОЙ «АБДУСАТТОР»

Тошкент туманидаги «Абдусаттор» ҳиссадорлик жамияти тумандаги 15-ўрта мактабни оталиққа олиб, ўз сармоясидан ҳар ойда ўқувчиларга 520 литр сут, 100 килограмм гўшт ажратаяпти. Яқинда жамоа ҳисобидан синфхоналарни таъмирлаш учун 20 минг сўм пул берилди. Бундан ташқари мактабдаги илғор 5 нафар ўқувчини ҳар ойда 100 сўмдан стипендия билан таъминлаяпти.

«СОҲИБҚИРОН» ВА «ЖАҲОНГИР» МУШОИРАСИ

Челак туманидаги 30-ўрта мактабда бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда 10-«А» синфнинг «Соҳибқирон» жамоаси ҳамда 10-«Б» синфнинг «Жаҳонгир» жамоалари ўзаро беллашдилар. Ўта қизиқарли ўтган ушбу мусобақада «Жаҳонгир» жамоаси ўқувчилари ғолиблик тожини кийишга муяссар бўлишди.

БОСМАХОНАГА «ҚИЙИН» БЎЛДИ

Чироқчи тумани босмахонаси жамоасининг ибратли ташаббуси ва ҳомийлигида тумандаги Аҳмад Яссавий номли ўрта мактабда «Саҳнада Темур» кўрик-танлови ўтказилди. Мактаб маъмурияти ишлаб чиққан Низомга мувофиқ саҳнада Амир Темур образини яхши жонлантира олган мактабнинг 9-синф ўқувчилари ушбу танловда ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, биринчи ўринни қўлга киритишди.

Босмахона маъмурияти ушбу танлов ғолибларини Тошкент шаҳрига текин саёҳат қилдириб келишга ваъда бердилар.

ҒОЛИБЛАРНИНГ ҒОЛИБИ

Навбаҳор тумани халқ таълими бўлими ўтказган «Ўқитувчи-96» кўрик-танловида Абдулла Қаҳҳор номли ўрта мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Маҳбуба Эргашева ўзининг ижодкорлиги, моҳирона услублари билан 21 та умумтаълим мактабларидан келган ғолиб ўқитувчилар орасида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят танловига йўлланма олишга муяссар бўлди.

«ЗАФАР» ЗАФАР ҚУЧДИ

Ғиждувон шаҳрида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб мактабларо «Амир Темур, истиқлол ва мен» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Шаҳардаги 9-махсус мактаб-интернатнинг «Зафар», 6-гимназия мактабининг «Истиқлол» ҳамда 2-ўрта мактабнинг «Турон» гуруҳлари беллашган ушбу танловнинг сўнгги босқичида «Зафар» гуруҳи зафар қучди.

Муаллифлар: С. Шодиев, Н. Маматқулова, А. Обиддинов, Х. Бобожонов, А. Шокир.

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ...

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон тарихи фани бўйича ўтказилган мусобақанинг ғолиби):

— Олимпиада менда катта таассурот қолдирди. Бизни Тошкент вилояти педагогика билим юрти жамоаси иззат-ҳурмат билан кутиб олди, мусобақаларга тайёрланишимизга, дам олишимизга етарли шарт-шароитлар яратиб берди.

Умуман, олимпиада холис ва адолатли тарзда ўтди. Ҳар бир турдан сўнг натижалар кўргазма тахтачасида очиқ эълон қилиб борилди.

Гўзал РАВШАНҚУЛОВА Чуст педагогика билим юрти талабаси, психология бўйича мусобақа ғолиби:

— Тўғрисини айтсам, мен ҳозир ўта ҳаяжондаман. Негаким мен ушбу олимпиадада қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгалладим. Мен бу ғалабани нафақат ўзимнинг, балки устозларимнинг ҳам ғалабаси деб биламан.

Ойимгул ҚУРБАШОВА (Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус педагогика билим юрти талабаси):

— Табиатшунослик фанидан олимпиадада қатнашдим. Бу қизиқарли мусобақада нуфузли ўринлардан бирини эгаллай олмаган бўлсам-да, қувончим чексиз. Чунки шу мусобақа баҳона жуда кўп дўст-дугоналар топдим. Улар билан пойтахтимизнинг тарихий жойларини, музейларни бориб кўрдик, қизиқарли суҳбатлар қурдик. Ўйлайманки, дўстларим билан алоқалар ҳеч қачон узилиб қолмайди.

Собир ЗИЁЕВ (Тошкент вилояти педагогика билим юрти директори):

— Биз III босқич республика олимпиадасида мезбонлик қилган бўлсак-да, бироқ мусобақаларда ҳам фаол қатнашишни унутиб қўйганимиз йўқ. Бизнинг ҳам бир неча талабалар турли фанлар бўйича белашиб, фахрли ўринларни эгаллашди. Билим юртимиз жамоасининг ушбу илмга чанқоқ талабалари учун ўз мукофотлари бор. Хусусан, уларга қўшимча стипендиялар, дам олиш учун йўлланмалар беришни мўлжаллаб турибмиз. Зеро, ёшларни ўқишга, кенг қамровли билим олишга рағбатлантириш барчамизнинг бурчимиздир...

Мойли ЛАПАСОВ (Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими, Ўзбекистон тарихи фани бўйича мусобақа ҳакамлари ҳайъатининг бошлиғи):

— Олимпиадада қатнашаётган талабаларнинг тарих фанига бўлган қизиқиш, эътибори бизни жуда қувонтирди. Улар мусобақага астойдил бел боғлашиб, ўқиб-ўрганишган. Бундан ташқари, талабаларнинг она тарихимизга оид ҳар хил кўргазма қуроллари, альбомлар тайёрлаб келишгани бизга жуда ёқди. Жумладан, самарқандлик Дилфуза Қурбонованинг «Амир Темур лашкарларининг жойлашиш тартиби» деб аталган оригинал чизмаси, бухоролик Алижон Мамадалиевнинг «Бухоро 2500 ёшда» номли альбоми диққатга сазовордир.

Лекин мусобақа давомида кўзга ташланган баъзи бир жузъий камчиликлар ҳам бўлди. Масалан, тест саволларига жавоб бериш пайтида талабалар анча қийналиб қолишди. Нима учун? Бунинг сабаби шундаки, компьютер экранида пайдо бўлган саволларнинг талай қисми билим юрти ўқув дастурларида учрамайди. Демак, талабалар бу саволларга жавоб беришга тайёр бўлишмаган. Бу ҳол шуни кўрсатадики, педагогика билим юртларимизда Ўзбекистон тарихини ўқитиш дастурини пухталаштиришимиз ва талабалар билимини чуқурлаштиришимиз зарур...

***

Дарҳақиқат, ўрта махсус педагогика ўқув юртлари талабаларининг III босқич Республика олимпиадаси қутилган натижалар берди. Ғолиблар рағбатлантириш дипломларини, 500 сўмдан 300 сўмгача пул мукофотларини қўлга киритишди. Бироқ... бу ҳали етарли эмас. Талабаларни билимга, ўқиб-ўрганишга қизиқтириш учун, уларнинг етук мутахассислар бўлиб етишиши учун янада фойдалироқ чора-тадбирларни қўллаш зарур. Зеро, биз бозор иқтисодиёти даврига дадил қадам ташлаяпмиз.

Шу ўринда муҳтарам юртдошларимизга дил сўзимизни айтишни лозим топдик: Ватан келажаги, ёшлар келажаги учун қайғуриш фақатгина биронбир вазирликнинг ё ташкилотнинг иши эмас, балки барчамизнинг ташвишимиздир. Шунинг учун ҳам ёшларни илму маърифатга чорлайдиган ҳар хил мусобақаларни моддий тарафдан қўллаб-қувватлаш учун шошилишни одат қилайлик. Наҳотки, шундай хайрли ишларга ҳомийликни, озгина чиқим қилишни бўйнига оладиган тадбиркору ишбилармонларимиз топилмаса? Ахир, қийин лаҳзаларда бир-бирини қўллаб юбориш халқимизнинг азалий одати-ку?

Умид инсон учун энг катта неъматдир. Биз кейинги олимпиадаларимиз ўз ҳомийларига эга бўлишларига, умумхалқ байрамига айланиб кетишига жуда-жуда ишонамиз.

Алишер НАЗАРОВ, Луқмон БЎРИХОН, «Маърифат»нинг махсус мухбирлари.

1995 — 96 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎТКАЗИЛГАН ЎРТА ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ФАНЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИДА I ЎРИННИ ЭГАЛЛАГАН ҒОЛИБЛАР РЎЙХАТИ:

т/н Ғолибнинг Ф. И. Ш.	Педагогика билим юрти	Фаннинг номи	Тўплаган бали
1. Ҳайдарова. Н.	I-Тошкент	мат.-информ.	66
2. Мадризаева Дилдора	I-Тошкент	она тили ва адабиёт	75
3. Алибоева Зайнаб	Беруний	ўзбек тили ва адабиёти (бошқа тилларда ўқитиладиган гуруҳларда)	74
4. Шукурова Шаҳло	Бекобод	тарих	45
5. Ишмухамедова. Ш.	I-Тошкент	инглиз тили	67
6. Абралова. З.	I-Тошкент	педагогика (0307)	93
7. Усманова. М.	Жиззах	педагогика (0308)	73
8. Насриддинова. А.	I-Тошкент	педагогика (барча бошқа гуруҳларда)	95
9. Эрманова. Н.	Тошкент вилояти	психология (0307)	80
10. Хожиева Дилфуза	Бухоро	психология (0308)	84
11. Равшанқулова. Г.	Чуст	психология (барча бошқа гуруҳларда)	76
12. Исмоилова. Д.	Самарқанд	табиатшунослик (0307)	74
13. Хамидова. С.	Наманган	табиатшунослик (0308)	56
14. Курбонбоева. Г.	I-Тошкент	тасвирий санъат ва устахонада амалий машғулот (0307)	85
15. Эшонқулова. Р.	Марғилон	Тасвирий санъат ва устахонада амалий машғулот (0308)	71
16. Латипов. М.	Хива	тасвирий санъат ва чизмачилик (0306)	69
17. Иноғомов. Ф.	I-Тошкент	меҳнат (0302)	82
18. Рахимбабаева. Д.	Ю. Ражабий номидаги Тошкент мусиқа педагогика билим юрти	мусиқа (0308)	71
19. Бегимқулова. Г.	I-Тошкент	мусиқа (0307)	81
20. Ўринова. Н.	Шаҳрисабз	мусиқа (0308)	75



ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ



1966 йил. 26 апрель. Эрта тонг... Аҳли Тошкент маҳобатли офатнинг хуружидан уйғониб кетди. Заминнинг ости зил кетди. Зилзила... Демак, вайрон уйлар, харобага айланган бинолар, бошпанасиз қолган одамлар. Бир сўз билан — офат. Яъни, табиатнинг ўйини.

Икки қутб мавжуд. Бир-бирини инкор этгувчи. Бир-биридан қочгувчи. Шу икки қутб курашидаги мувозанат — Ҳаёт. Табиатнинг ўйинлари ўша икки қутбнинг бири бўлса, инсон иккинчи қутбдир. Мудом улар орасида кураш кетади. Инкор кетади. Бироқ ғолиб бўлмайди. Маглуб ҳам бўлмайди. Мувозанат бўлади... Шу икки қутб курашидаги мувозанат — сувратлардаги бугунги Тошкент. Гўзал Тошкент.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

БОБОЛАР МЕРОСИ — ХАЗИНА

Юртимизда Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик тўйига бағишланган кўпдан-кўп тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тантаналардан бири Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат лицейида бўлди.

Тантанада баҳорни, онадиёримизни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди, қушиқлар янгради. Аълочи ва жамоатчи ўқувчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Тадбир муносабати билан бу ерга ташриф буюрган Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жура Йўлдошев, таниқли тарихчи олимлар — академик Аҳмадали Асқаров, Шоди Каримов, истеъдодли шоир Хуршид Давронлар лицей жамоасига ўзларининг энг яхши эзгу тилакларини изҳор қилишди.

Узбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев ижросидаги дилтортар қушиқлар даврага узгача шукуҳ ва кутаринкилик бахш этди.

***

Чилонзор тумани халқ таълими бўлимида ҳам ана шундай байрам бўлиб ўтди. Унда кекса педагоглар, тумандаги маҳалла қўмиталари фаоллари, меҳмонлар, санъаткорлар, мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

— Илгари — собиқ Иттифоқ даврида буюк аждодларимиз ҳақида ўқувчиларга чуқур тушунча беролмасдик, — дейди Чилонзор тумани Ҳамидулла Ҳасанов номидаги 126-мактабнинг фахрий ўқитувчиси Эркин Икромов. — Бунга ўша давр мафкураси имкон бермас эди. Ҳозир муаллимларимиз учун барча шароитлар яратилган. Улар ўтмиш аждодларимиз меросини ёш авлод онгига чуқур сингдирмоқдалар. Улуғ боболаримиз таваллудларига бағишлаб кечалар, илмий анжуманлар, кўриклар ўтказаётирлар. Буларнинг барчасига истиқлол неъмати деб қарамоқ керак.

Дарҳақиқат, тадбирда иштирок этганларнинг фикрларида ана шу руҳ устувор бўлиб турди. Йиғинда Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосарлари Муртазо Султонов, Ҳамидулла Йўлдошевлар иштирок этдилар.

Ж. ИСКАНДАРОВ.

Диққат, кўрик-танлов!

Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, улар фаолиятини, ижодкорлигини маълум мақсадларга йўналтириш бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлашга, Ватан тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Республика Халқ таълими вазирлиги яқинда ёшлар ўртасида токарлик касби бўйича моҳир ёшларни саралаш ҳақида буйруқ чиқарган эди. Кеча Фарғона шаҳридаги 1-ҳунар билим юртида энг яхши токар кўрик-танлови бошланди. Унда барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан ғолибликка даъвогар вакиллар қатнашаётир.

Танловнинг Фарғона шаҳридаги 1-ҳунар билим юртида ўтказилишига сабаб шулки бу ерда токарлик касби бўйича анчагина тажриба тўпланган. Мазкур ҳунар марказида малакали устозлар токарликдек зарур ва мураккаб касбнинг сир-асрорларини ёшларга мунтазам ўргатиб келишади.

Билим юртининг моддий асоси бақувват бўлиб, устахоналари, цехлари ишлаб чиқаришининг йиллик даромади 7 миллион сўмни ташкил этади. Кўрик-танлов жараёнида талабалар билим юрти ишлаб чиқариш участкаларидаги дастгоҳларда ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни намойиш қиладилар, синовларидан ўтадилар ҳамда амалий вазифаларни бажарадилар.

Кеча вилоят билим юртларида тайёрланган асл нусхали маҳсулотларнинг кўргазмаси ва савдоси ҳам ташкил этилди.

Кўрик-танлов уч кун давом этади.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз.

НАМУНАЛИ ТАШАББУС

Баҳористон тумани Қашқадарё вилоятининг Туркманистон Республикаси билан чегарадош бўлган чекка ҳудудларидан ҳисобланади. Туманда йигирмага яқин миллат ва элат вакиллари бир тану бир жон бўлиб, баҳамжиҳатликда республикамиз мустақиллиги йўлида фидокорона меҳнат қилишяпти. Президентимиз И. А. Каримов жонбозлигида қўлга киритилган мустақиллигимиз, миллий ва диний қадриятларимизнинг яна ўз қўлимизга қайтиши чўл фидойиларини руҳлантириб юборди. Туман ҳокимиятининг саъй-ҳаракати туфайли йўлларга асфальт ётқизилмоқда, каналлар қазилмоқда. Янги уйлар, чойхона ва ҳаммомлар қурилиши, газлаштириш ишлари жадал суръатларда давом этяпти.

Туман маорифидаги ўзгаришлар ҳам таҳсинга лойиқ. Жумладан, бу йил туман халқ таълими бўлими мудири Жаббор Жонгелдиев ташаббуси билан «Ўқитувчи», «Тарбиячи», «Мактаб», «Методист», «Кутубхоначи», «Йўриқчи», «Ижодкор ўқитувчи» каби ўнлаб кўрик-конкурслар ўтказилмоқда. Танлов ғолибларига 1000 сўмдан, вилоятда ғолиб бўлган ўқитувчиларга эса туман халқ таълими бўлими қошида жамғарилган маблағлардан 1500 сўмдан пул мукофоти бериляпти. Бу рағбатлантириш, аввало, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг меҳнатини қадрлаш бўлса, иккинчидан ўтиш жараёнида изланувчан ўқитувчини ижтимоий ҳимоя қилишдан иборат бўлади. Шу кунларда бу ташаббус янада авж олмоқда.

Асрор ҚИЛИЧЕВ, туман халқ таълими бўлимининг бош эксперти.

МУАЛЛИМ ОРЗУСИ

ҳар бир болада компьютер бўлса...

Бир соатлик иқтисодий сабоқ

— Ассалому алайкум, устоз!

— Ва алайкум ассалом!

Ўқувчилар жой-жойларига ўтиришди. Парталар бошқачароқ жойлаштирилган синфхонада болалар ҳам одатдагидан фарқлироқ тарзда, яъни икки қатор столга ўрнатилган компьютерларга қарама-қарши ўтиришарди. Болгарияда ишлаб чиқарилган «Правец» электрон-ҳисоблаш машинаси 9-синф ўқувчилари учун муъжиза. Техника электр токига уланиб, клавишлари босилса, экранда ажойиб-ғаройиб ёзувлар пайдо бўлади.

Лирик чекиниш бўлиб кетди-ёв. Хуллас, дарс бошланди. Муаллим доскага ёзилган турли математик формулаларни кўрсатиб, болалардан ўтган мавзуни сўраб, улар хотирасини мустаҳкамлаган бўлди. Анграйиб, ёки хаёлга берилиб, дарсдан чалғиб ўтирган бола йўқ эди бу ерда. Ҳар бир ўқувчи билганини сўйларди, билмаганини ўқитувчидан сўрарди. Бу қадар фаолликка, илмга ташналикка, албатта, муаллимнинг сўзамоллиги, мазкур фанга ўқувчиларини қизиқтира олиш қобилиятига эга эканлиги бош сабабдир. Қолаверса, синфхонада ҳали таъкидлаганимиздек, аср муъжизаси — 12 та компьютер турибди.

Ўқувчилар билан савол-жавоб ўтган дарсни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Ундан кимдир «нимадир» олганлиги сезилди. Ҳар қалай дарсни тўлиғича ўзлаштирган ўқувчилар бир талай эди.

Ўқитувчи Бахтиёр Каримов янги мавзуни эълон қилди:

— Болалар, бугун «Белгили миқдорларни таҳлил қилувчи функциялар»ни ўрганамиз. Бу мавзуни дафтарингизга ёзиб қўйинг!

Муаллим иштиёқ билан, ургу билан мурожаат қиларкан, янги мавзунинг мазмунини ўқувчиларга етказишга интилди. Математика — фанларнинг отаси, деган эди қайсидир донишманд. Уни англаган киши бошқа фанларни ҳеч қийналмай ўзлаштириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Математика фанининг негизида таркиб топган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» яна ҳам мураккаброқ. Лекин назаримда, бу мураккаблик ўқитувчининг тадбиркорлиги, ҳар бир бола билан тил топиша олишига монанд тарзда бартараф этилганга ўхшаб туюлди. Чунки савол-жавобларга аралашмаган, нимадир ўқишга ва билишга интилмаган ўқувчи бу ерда йўқ эди.

Дарсга боғлиқ, лекин дарсдан ташқари, турмушимизга тобора сингиб бориши керак бўлган иқтисодий таълим тушунчасига мухтасар тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Иқтисодий таълим нима? Бозор иқтисоди-чи? Иқтисодий таълимдан бехабарлик бозор иқтисоди шароитини, сиёсатини нотўғри талқин этишга замин яратмоқда. Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик бу сиёсатни нархларнинг ўсиб туриши билан тушунишга ҳаракат қилаётир. Бу гуллик, сиёсий гуллик, иқтисодни тушунмаслик. Лавҳамиз қаҳрамони, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 138-мактаб математика ўқитувчиси Бахтиёр Каримовнинг ўй-режасида обдон пишиб етилган дастури бугунги ўқувчиларни иқтисодий таълим асосларидан бохабар этишга хизмат қилади. Унинг «Информатика асослари: иқтисод асосларини мактабда ўқитиш» деб номланган дастури пухта, изчил, ўрганиш эса жуда қулай. Иқтисодий таълимни математика фанига боғлиқ равишда амалга ошириш бу дастурнинг негизини ташкил қилади.

Бахтиёр Каримовнинг ижод маҳсули — юқорида номи қайд этилган дастур-қўлланма 1994 йилда 200 донагина чоп этилди. Албатта, бу хамир учидан патир. Дастур-қўлланмага талабгорлар эса қўпайгандан кўпайди. Дарвоқе, қандай қилиб дейсизми?

Унинг ижодий иши туман, шаҳар ўқитувчиларининг педагогик ўқишида энг юқори баҳо олди ва республика миқёсидаги педагогик ўқишларга тавсия этилди. Бухорои-шарифда ўтказилган республика ўқитувчиларининг педагогик ўқишларида таҳсинга сазовор бўлган 67 та ишдан бири ҳам Бахтиёр Каримовники бўлиб чиқди. Ва унинг шахсий ғояси билан вужудга келтирилган дастур 1996-97 ўқув йилидан эътиборан, республикадаги барча умумтаълим мактаблари дастурига киритиладиган бўлди. Ахир, бу шунчаки қайд қилиб қўядиган гап эмас.

***

Дарснинг «бели»га тепиб, лирик чекиниш қилдик, узр.

Ҳа, дарс давом этарди. Болаларнинг оғзидан «Бахтиёр ака!» деган сўз тушмасди. Бахтиёр ака эса саволларга жавоб беришдан, белгили миқдорларни таҳлил қилувчи функцияларни доскага ёзиб, тушунтиришдан асло эринмасди.

— Энди болалар, «акция» атамасини, яъни белгили миқдорни «Правец» компьютери орқали чуқурроқ тушунишга ҳаракат қиламиз, келишдикми?

«Правец» электрон-ҳисоблаш машинаси электр токига уланди. Программалаштириш дақиқаси бошланди. Ҳар ким ўз билганича ва ўқувига қараб, экранда ёзувлар, шакллар пайдо қиларди. Дастлаб ҳар бир экранга «Атамани кирит» деган ибора ёзилди. Ўқувчилар ана шунга амал қилиб, «акция»ни экранга ёзиб қўйишди. Бундан ташқари, четдан кузатган кишига унчалик тушунарли бўлмаган аллақандай формулалар, шакллар ҳам экранда кўриниш берди. Клавишлар чаққон-чаққон босиларди, экрандаги ҳудди жонлига ўхшаб туюлувчи яшил рангли ёзувлар қандайдир завқ уйғотарди. Балки бу, ранглар жозибасидандир...

Деярли барча ўқувчилар белгили миқдорларни компьютерда тўғри ва аниқ ҳисоблаб чиқишди. Ўқитувчи гоҳ у, гоҳ бу ўқувчининг ёнига ўтиб, бажарилаётган ишнинг тўғри ёки нотўғрилигини кузатиб борди. Ҳар икки ўқувчига биттадан компьютер тўғри келгани боис болалар талашиб-тортишарди. Қанийди, ҳар бир болага биттадан компьютер бериб қўйилса. Бахтиёр Каримов шуни орзу қилади.

... У тўғри бажарилган ишларни қайд этди ва синф журналига баҳолар қўйди. Ўйга вазифа қилиб, «танларх», «меҳнат унумдорлги», «меҳнат», «ялпи маҳсулот», «миллий даромад», «агросаноат» сўзларини белгилаш, изоҳлаш топшириқ қилиб берилди.

****

Дарсдан ким қандай таассурот олди?

Бир соатлик ваъзхонлик, бир соатлик уриниш зое кетмадимикан?

Сўз ўқувчиларга.

Дилфуза Қодирова: — Математикани, Бахтиёр аканинг дарсларини мен жуда яхши тушунаман. Саккизинчи синфда информатикадан ҳеч нарсани билмасдим. Ҳозир бир талай иқтисодий терминларнинг луғавий маъносини изоҳлаб бера оламан.

Наргиза Алимуҳамедова: — Математика — жону дилим. Бугун «акция» сўзининг мазмунини билиб олдик. «Биржа» сўзи билан танишдик. Келажакда иқтисодчи бўлиш орзусиданман. Шу боис Бахтиёр аканинг ҳар бир дарси мен учун сув ва ҳаводай зарур.

Фахриддин Тожиев: — Бошқаларга қандоқ билмадиму, ўқитувчимизнинг бу галги дарси ҳам менга бир олам таассурот берди. Турмушимизда белгили миқдорлар жуда ҳам кўп. Бугун шуларнинг биттаси билан танишдик. Ахир бундай миқдорларни яхши билиш кони фойда-да!

Феруза Абдурахмонова: — Иқтисодий атамаларни англаш, тушуниш бизнинг тасаввуримизни кенгайтиради.

***

Ҳа, бир соатлик дарснинг акс-садоси қайтибди. Демак, миянинг чарчагани, бармоқларнинг бурга бўялгани, тинмасдан сўзлаб туриш, савол бериш, жавоб қайтариш, қисқаси, ҳеч бир ҳолат самарасиз кетмабди. Бинобарин, энди муаллим енгил нафас олса булади. У ўз вазифасини муваффақиятли ўтай олди.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, «Маърифат» мухбири.

Рақамлар «ҳикоя»си

(Боши 1-бетда)

жарилган. Ҳолбуки, бу мактаб ҳам режага кўра келгуси йилда фойдаланишга топширилиши лозим экан.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидан яна бири — Қораўзақда, мактаблар қурилиши юзасидан ҳоким ўринбосарлари ва туман халқ таълими бўлими мудири билан суҳбатлашдим, таълим-тарбиянинг айрим жиҳатлари билан қизиқдим.

Туманда 30 та мактаб мавжуд бўлиб, 1232 ўқитувчи 11058 ўқувчига таълим-тарбия беради. Фақат уч та мактабдагина ўқиш бир сменада олиб бориляпти. Туманда болапарвар, саховатпеша корхона раҳбарлари борлигини билиб, табиийки, хурсанд бўлдим. «Есимўзак» шоличилик қишлоқ хўжалик корхонаси директори Султон Узербоев ана шундай олижаноб инсонлардан бири экан. Унинг ташаббуси билан Ж. Қорақулов номли 30-бошланғич мактаб учун 160 ўринли янги бино хўжалик маблағи ҳисобидан қуриляпти. Ҳозир янги бинода пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Узбекистон мустақиллигининг беш йиллиги арафасида бу янги мактаб болаларга совға қилинади. Шуни қайд этмоқ лозимки, Қораўзак туманида қатор шоличилик ва пахтачилик хўжаликлари раҳбарлари савобли ташаббусни бошлаб, мактаблар учун ўз маблағлари ҳисобидан янги бинолар қуришни бошлаган эканлар-у, аммо хайрли ишлари маблағ танқислиги туфайли ниҳоясига етказилмасдан қолаётган экан. Улар туман, вилоят ҳокимлари ва республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлашларига, ёрдамларига муҳтождирлар. «Қоракўл» қишлоқ хўжалик корхонаси (директори Марат Бердимуротов) 27-мактаб учун 1990 йилда 422 ўринли янги бино қуришини бошлаганди. Биринчи қавати битди-ю, иш тўхтади. «Маданият» қишлоқ хўжалик корхонаси (директори Ерниёз Панаев) Бердақ номли 9-мактаб учун 1992 йилда янги бино қуришга киришиб, базўр биринчи қаватини битирди-ю, 1995 йилдан бошлаб қурилишни давом эттиришга қурби етмай қолди.

Қораўзак туманида давлат маблағи ҳисобидан фақат битта мактаб қурилаётган экан: Арзуов номли 12-мактаб учун 260 ўринли кичкинагина бинони 1993 йилдан буён битира олмаётган Қораўзак тумани раҳбариятига ва мутасадди ташкилотларга нима дейиш мумкин?!

Шуманай туманидаги 39 та мактабнинг атиги 7 таси замонавий бинога эга. Мактаблардаги жами 10 минг 379 ўқувчининг аксарияти икки, ҳатто уч сменада ўқияпти.

Амударё — Қорақалпоғистон республикасидаги энг йирик туманлардан бири. Туманда 6 та авария ҳолатидаги мактаб мавжуд. Хўш, бу туманда янги илм даргоҳларини барпо этиш қандай олиб борилмоқда?

«Тўлқин» жамоа хўжалигида 33-мактаб учун 844 ўринли янги бино қурилиши 1992 йилда бошланган эди. 1993 йилда қурилиш тўхтади. Фақат биринчи қавати тикланди. Шу йил «Наврўз» байрами арафасида мазкур жамоа хўжалигига сергайрат ёш йигит Мақсуд Матназаров раис бўлиб сайлангач, иш юриша бошлади — мактаб қурилиши учун зарур бўлган маблағ топилди. М. Матназаров илгари мактаб директори лавозимида ишлаганида ҳам ибрат кўрсатган: мактаб атрофида ажойиб боғ яратган. Ишқилиб, зиёкордан чиққан боласевар раисга кўз тегмасин-да! Иншоолло, шундай фидойи, ажойиб ёшлар иш бошига келаверсалар, юртбошимиз айтганларидек, марра бизники!

«Оқ олтин» жамоа хўжалиги ўз ҳисобидан 7-мактаб учун 1994 йилда 422 ўринли янги бино қурилишини бошлаган эди. Маблағ етмай иш тўхтаб қолди. Аммо жамоа хўжалиги раиси, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Олламберган Холимбетов мактаб қурилишини ўз ҳолича ташлаб қўймади. Унинг ҳаракатлари натижасида Республика ҳукумати томонидан ушбу мактаб қурилишини ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган маблағ ажратилди. Шу йил бошидаёқ мактаб биносини қуриб, битириш ишлари бошланиб кетди.

Мактаблар қурилиши борасида Амударё туманида ҳам жиддий қийинчиликлар юз бераётганлиги сир эмас. Муаммонинг илдизи фақат бир нарсага — маблағ етишмаслигига бориб тақалади. Шу важдан қурилиши тўхтаб қолган объектлар анчагина. Жумладан, «Қипчоқ» жамоа хўжалигида давлат маблағи ҳисобидан 1992 йилда 75-мактаб учун 422 ўринли янги бино қурилиши бошланиб, биринчи қавати тикланган. Мана, уч йилдирки, бу бинода иш олиб борилаётгани йўқ. 7-мактаб учун мўлжалланган янги бино қурилиши ҳам пайсалга солиб келиняпти.

Туман халқ таълими бўлими мудирининг айтишича, яна 9 та мактабнинг қурилиш — лойиҳа ҳужжатлари тайёр-у, аммо уларни ўз зиммаларига оладиган саховатли буюртмачилар йўқлиги туфайли давлат режасига киритилмаётган экан (Бу тўққиз мактаб 3538 ўқувчи ўрни демакдир). Ахир, туманда пахта тозалаш заводи, йигирув — тўқимачилик фабрикаси, нефть маҳсулотлари базаси каби йирик ташкилоту — корхоналар мавжуд-ку!

Мақоламизга нуқта қўяр эканмиз шуларни айтмоқчиман: Президентимизнинг «Ҳар кун савоб иш қилиш керак, ҳар ким савоб иш қилиши керак» деган доно ўгитларидан амалий хулоса чиқариб, мактабларга жон қуйдирадиган, болалар учун бугунги ғамхўрлик, аслида келажаги буюк давлат — Узбекистонни барпо қилишга қўшиладиган муносиб ҳисса эканлигини англайдиган мард ва саховатли раҳбарлар — олижаноб инсонлар Қорақалпоғистон Республикасида йўқми? «Албатта бор!» деб ишонгимиз келади.

Ишқилиб Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, туман ва шаҳар ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари мактаблар қурилиши — умумдавлат иши эканлигини бир лаҳза ҳам унутиб қўймасинлар!

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

Сиртқи дарс

23. МИРХОНД

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни машҳур тарихчи Мирхонд ижоди билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда тарих фанига меҳр-муҳаббат уйғотиш.

Дарс режаси:

1. Мирходнинг ҳаёти.
2. «Равзатус-сафо» нинг ёзилиши.
3. Мирхонд тарихий меросининг аҳамияти.

«Қаламнинг абадий излари бўлмаганда миллатларнинг хабарларини қаердан билар эдик?», — деб ёзади Абу Райҳон Беруний. Ҳа, халқимиз тарихи буюк алломаларимиз, ўтмиш муаррихлар туфайли дунёда энг бой ва сермазмун бўлиб, халқимиз даҳосидан гувоҳлик беради.

Ўзбек халқининг жаҳон фани тарихи зарварақларидан муносиб ўрин олиб, асрлар давомида ардоқланиб келаётган фарзандларидан бири Мирхонддир. У «Равзатус-сафо» («Поклик боғи») номли улкан тарихий асар ёзиб, мангуликка шуҳрат топган зотлардан биридир. Мирходнинг отаси Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ (Хондшоҳ) Бухоро саййидларидан бўлиб, замонасининг машҳур ва нуфузли шайхи Сайфуддин Бохарзий (вафоти 1261 йил)нинг эвараси-дир. Отаси вафотидан сўнг Ховандшоҳ Балхга кўчиб келиб, бу мулкнинг «мутааййин донишманди ва бузурги» (Алишер Навоий)га айланади. Акбаршоҳ замонида Ҳиндистонда яшаб, XVI аср охирларида «Ҳафт иқлим» номли тазкира ёзган олим Амин ибн Аҳмад Розийнинг ёзишича (ЎзФА қўлёзмаси, № 1829, 282б-в) Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ 871 (1466-67 йили) Балхда вафот этади. Аммо, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган бухоролик олим Аҳмад ибн Муҳаммад ўзининг «Китоби Муллозода» асарида, шунингдек, Носириддин ибн Музаффар ўзининг «Ҳоли уз-зоирин» («Зиёрат этувчилар учун йўлланма») асарида Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳнинг ҳоки Бухорода, Сайфиддин Боҳарзий мақбарасига қўйилганини қайд этади. Шундан эътиборан биз 837 (1433) йили таваллуд топган Мирхонд отаси вафотигача Бухорода бўлган ва мадрасани шу ерда тугатган, деган хулосага кела оламиз. Чунки, Балх ва унинг атроф вилоятларида Шоҳрух Мирзо вафотигача нотинчлик, ўзаро феодал қурашлари авж олган эди. 1447 йили Шоҳрух Мирзо вафот этгач, Балхни Улуғбек ўзига тобеъ қилди, сўнг у Абдуллатиф қўлига ўтди. Бундай нотинч вилоятда Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ ва унинг ўғли Мирхонд қола олмас эдилар.

Султон Ҳусайн Мирзо 1469 йили ҳокимият тепасига келгач, Мирхонд Ҳиротга келади. Мирходнинг набираси, қизининг фарзанди Хондамир у ҳақда шундай ёзади:

«Паларпаноҳ жаноб амир Хованд Муҳаммад йигитлик чоғларида илмларни таҳсил қилиш ва нафис фазилатларни камолга етказиш учун зўр тиришқоқлик ва қунт билан ўқиди ва қисқа вақт ичида билимда давр фозилларининг пешқадами бўлди.

Ўша вақтда у тарих ва ахборот илмини касб қилди, дунё аҳволи ҳамда нишонларини тадқиқ қилишга киришди... Аммо аҳволи ва мижози маишат аҳли билан қўшилмаслиги ва завқу шавққа берилмаслиги туфайли китоблар битмади ва иншо қилмади; дарс ва панднасиҳатга иштиёқ ҳаргиз, анинг равшан хотирида порламади». (Б. Аҳмедов. Хондамир, Тошкент, 1965). Кўнгил очиш воситалари (шароб, нард ўйнаш ва ҳоказо)дан унинг ўзини тийиб юрганидан Алишер Навоий Мирхонд ҳақида: «Масҳлик (тоат-ибодат) ва мабхутлик (тийилмоқлик)ни ҳам кўп таъриф қилурлар», деб ёзади ва Амир Хисрав Деҳлавийнинг «Дарёйи аброр» (Яхшилик билан танилганлар дарёси») маснавийсига ёзган татаббуъсидан «бу байти хўб воқеъа бўлубтур» деб келтиради:

Ҳарки даст аз оби ҳайвон шуст, Хизри вақт ўст
В-онки аз зулмати нафс омад бурун Искандараст

Мазмуни: «Кимки шаробдан ўзини тийса, ўша киши замонасининг Хизри; кимки, нафс зулматидан ўзини тортди — у даврининг Искандаридир.

Мирходнинг йигитликдаёқ илмларда камолга етганини, ёши улғайиб, камсуқум бўлиб қолганини Навоий «Мажолисун-нафойис»да қайд этиб ёзади: Мирхонд бугунги кунда ёши улуглиги ва наслнасабининг олийлиги, фазилатларининг беҳисоблиги туфайли ғурурли бўлса ҳам, камтарлик, фоний табиат ва хушахлоқликда ундан ўталиган киши йўқдир...

Алишер Навоий ундан каттароқ бир тарихий асар ёзишини илтимос қиладилар. Буюк мутафаккирга бўлган ҳурмати юзасидан Мирхонд бу илтимосни адо этишга бажону дил киришади. Алишер Навоий унга «Ҳалосия»хонақоҳида жой тайинлаб, ўзларининг бой кутубхонасидан фойдаланишга имкон яратиб берадилар: «Бу фақир илтимоси била аввали офаринимдан бу кунгача тарихи жомеъи битурким, нисфига етибдур. Иншооллоҳ тугатурига муваффақ бўлгайким, таворих орасида андин муфидроқ тарих бўлмағусидир». («Мажолисун-нафойис», 1490, 12-том, 125-бет).

«Равзатус-сафо»ни ёзишда Мирхонд Алишер Навоийнинг ҳар тарафлама ёрдамидан баҳра олди. Хондамир ёзади: «Ихлосманд амир Алишер ҳазратлари ўша китобни ёзиш вақтида ва ундан сўнг оқибатда оғиздан-оғизга ёйилган мартабали жаноб бобомни совғалар билан ҳурматладилар, қимматли инъомлар билан фахрли ва сарафроз қилдилар; табиати ул жанобнинг табиатидан ғолиб бўлгани сабабдан, у олий даражали амир ҳамиша ул зотга ҳазиломуз сўзлар ва овинтирувчи калималарни муборак баён тилларидан чиқарардилар». (Б. Аҳмедов. Хондамир, Ўзб, «Фан» нашр. 1965, 47-бет). Хондамир давом этиб: «Жаноб бобом... ҳидоят хислатлик амирнинг хайрихоҳона қараши баракати билан ул қимматбаҳо асарни тасниф қилишда саъй-ҳаракат шартларини ўрнига қўйдилар ва қисқа вақт ичида етти иқлимда тенги йўқ...ул китобнинг олтита дафтарини тамом қилдилар... «Равзатус-сафо»нинг еттинчи дафтари мусаввадада содир бўлган ишлар ва соҳибқирон билан юз берган аҳвол туфайли йўқолиб, тамомланмай қолган», деб ёзади.

Хондамир «содир бўлган ишлар» деганда мамлакатда авж олган феодал курашлар, 1497 й. Мўминмирзонинг ўлдирилиши; 1498 йили Балиуззамон ва Абдулмуҳсин Мирзоларнинг ўз отаси Султон Ҳусайн Мирзога қарши хуружларини назарда тутади.

Алишер Навоий ёзилажак асар лойиҳасини тузишда Мирхондга яқиндан ёрдам берганлар. «Равзатус-сафо» муқаддимасида ёзилишича, Алишер Навоий асар лойиҳасини маъқул топганларидан сўнг, қуйидаги шартларга риоя қилинишини лозим топадилар: бошқа асарлардан воқеалар шарҳини айнан кўчирмасдан, ижодий ёндошмоқ, асарни тушунилиши қийин иборалар, мажозий сўзлар билан тўлдириб юбормаслик, ифоданинг аниқ ва равшан бўлишига эришмоқ. Асар етти дафтар (жилд), муқаддима ва хотимадан иборат бўлиши, ҳар хил бир-бирининг мазмунан давоми бўлиши билан бирга, айни вақтда кучли бўронларга бардошли иморат сингари мустақил ва мустаҳкам бўлмоғи лозим эди.

Олтинчи жилд мазмунидаги саналарга қараганда, Мирхонд ўзининг асарини 879 (1474) йили шу олтинчи жилддан, Амир Темур даври тарихини ёзишдан бошлаган. Баъзи манбалардан аниқланишича, асарнинг еттинчи жилди ва хотима (жуғрофий қисми)ни ёзишда Хондамир бобосига ҳамкорлик қилган ва 1494 йилдаёқ еттинчи жилд ва хотима мусаввадаси тайёр бўлган эди. Бу пайтда Мирхонд ҳаёт эди. Шунинг учун тадқиқотчилар еттинчи жилд ва хотима ҳақида сўз юритганларида, бу қисмларини Мирхондга нисбат берадилар.

Хондамирнинг ёзишича, Мирхонд ҳаётининг сўнгги вақтларида танҳоликка майл қилиб, халқдан ўзини тортди. Ҳирот ташқарисидаги Гозургоҳ чорбоғидан чиқмай қўйди. У касалга чалинган эди. Аҳволи оғирлашгач, Ҳиротга қайтади ва ҳижрий 903 йил зулқаъда ойининг иккинчи куни (1498 йил, 22 июнь) 66 ёшида вафот этади.

Асарнинг еттинчи жилди мусаввадаси йўқолгани туфайли, Хондамир уни 1521 йили ёзиб тамомлайди. «Равзатус-сафо» (тўлиқ аталиши: «Равзатус-сафо фи сийратул-анбиё вал-мулук вал-ҳулафо» — «Набилар, султонлар ва халифалар сийратининг поклик боғи»)нинг қисқача мазмуни қуйидагичадир: Биринчи дафтар —дунёнинг яратилишидан сосонийлар сулоласининг сўнгги кунларигача бўлган давр тарихи; иккинчи дафтар — Муҳаммад пайғамбар ва ундан кейинги тўрт халифа тарихи, учинчи дафтар — Уммавий ва Аббосий халифалари тарихи, тўртинчи дафтар — аббосийларга замондош (Амир Темур замонигача) ва кейинги ҳокимлар тарихи, бешинчи дафтар — Чингизхон ва унинг авлоди даври; олтинчи дафтар — Амир Темур ва унинг авлоди давлатининг Султон Абусаид вафоти (1469) гача бўлган тарихи; еттинчи дафтар — Султон Ҳусайн Мирзо давлатининг ташкил топиши, гуллаб-яшнаши ва инқирози тарихи.

Хотима Темурийлар давлати ҳудудининг тарихий жуғрофияси ҳақиладир. Ҳар бир жилди тахминан 25-30 босма жузъ келадиган катта асарнинг нисбатан қисқа муддатда ёзиб тамомланишида аввало Мирходнинг ёшликдан тарих ва иншога қизиқиб, анчагина мутолаа қилгани қўл келган бўлса, улуғ мутафаккир шоирнинг шахсий кутубхонасидаги нодир манбалардан фойдалангани ва Алишер Навоийнинг асар ёзилишини кўздан кечириб, назорат қилиб, тарихчини моддий жиҳатдан қўллаб тургани асарнинг тезроқ ва муваффақиятли ёзиб тугалланишига имкон берган. Навоий: «таворих орасида андин муфидроқ (қимматлироқ) тарих бўлмағусидир», деган ишончли эътирофи «Равзатус-сафо»нинг кўп қисми шоир назаридан ўтганлигига ишорадир.

Мирхонд ўз асарида фойдаланилган ўн бештача араб тилидаги ва йигирма бешдан ортиқ форс тилида бўлган муҳим тарихий манбаларни санаб ўтади. Бу китобларнинг аксари бизгача етиб келмагани эътиборга олинган тақдирда, асарнинг 1-5 жилдлари тадқиқот тарзида ёзилган бўлса ҳам катта илмий қимматга моликлиги аён бўлади. Бунинг устига бизга маълум манбаларда учрамайдиган тафсилотлар, масалан, араб халифаси Насирнинг Хоразмшоҳга ғараз ниятлар билан Чингизхон ҳузурига элчи юбориши ҳикояси; Чингизхон томонидан Ўрта Осиё шаҳарларини босиб олиниши; Маҳмуд Ғазнавийнинг очкўзлик ва босқинчилик сиёсатини қоралаш; Ўрта Осиёда мўғул давлатининг асосчилари Уғадай, Ҳайду, Жўжи тўғрисидаги маълумотлар; Самарқанд сарбадорлари ҳақидаги фикрлари; Улуғбекнинг 1425 йили мўғуллар устига юриши ва ҳ. кни фақатгина «Равзатус-сафо»дан топамиз. Фактларга бойлиги ва юксак бадиий услубда ёзилгани учун асар Мирхондга катта шуҳрат келтирди. Кўпгина тазкиранавислар ва тарихчилар уни катта ҳурмат билан тилга оладилар. «Равзатус-сафо» мазмундор улкан тарихий манбагина бўлиб қолмай, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий дидига монанд ва унга мансуб бўларли даражада юқори маҳорат билан ёзилган бадиий асар ҳамдир. Бунда Мирхонд ўз тил бойлиги, нафосатли, фасоҳатли иншосини намойиш этаолган.

Алишер Навоийнинг илтимоси билан Хондамир бобоси ёзган асарнинг қисқароқ нусхасини яратди. У «Хулосатул-ахбор» — «Тарихий хабарлар хулосаси» деб номланиб, фақат тарихий далилларга қизиқувчиларга мўлжалланган эди. Хондамирнинг «Ҳабиб-ус-сийяр фи ахбор ва афрод ил-башар» — «Инсон фарзлари ва хабарларида таржимаи ҳоллар дўсти», «Намойи номий» — «Атоқли номлар» каби тарихий асарлари ҳам мавжуд. Лекин бу асарлар ҳеч қачон «Равзатус-сафо» ўрнини боса олмайди. Тарихий далилларга бойлиги жиҳатидан Мирхонд асари беқиёсдир.

Машҳур шарқшунос И. П. Петрушевский «Равзатус-сафо»ни форсий тилда битилган бадиий асарнинг энг юксак намунаси деб баҳолайди. Жаҳондаги китоб ҳазиналарида « Равзатус-сафо» асари қўлёзмаларининг сони беш юзга етади.

Асарнинг Шарқда ўн бир бор чоп этилиши, Европада XIX аср бошларидан буён ўрганилиб, лотин, инглиз, немис ва француз тилларига таржима қилиниб, узлуксиз ўрганиб келинаётгани Мирхонд ва унинг асари, илмий қиммати эътирофи, қолаверса унинг ҳомийси ва устози Алишер Навоий даҳосига бўлган ҳурмат ифодасидир. Масалан «Равзатус-сафо»нинг Бомбей (1845, 1848, 1854, 1871), Лакнав (1883, 1891), Теҳрон (1854-1857, 1960)нашрлари мавжуд. 1842 йили у усмонли турк тилида Истамбулда ҳам нашр этилган.

Ўтган асрда Хоразмда «Равзатус-сафо»нинг етти жилди ҳам Мунис (вафоти 1829 йил), Огаҳий (вафоти 1874 йил) ва Рожийлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Мазкур таржима қўлёзмалари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва бошқа шаҳар китоб ҳазиналарида сақланади.

Ўз замонаси кишилари, тарихий воқеаларнинг жонли шоҳидлари томонидан ёзиб қоллирилган ёзма ёдгорликларни ўрганиб, таҳлил қилиб, ўқувчилар оммасига манзур қилиш бизнинг ўша давр ҳақидаги билимларимизни янада бойитади.

Мирходнинг «Равзатус-сафо»си ҳам талқиқотчиларимиз томонидан илмий жамоатчиликка ўзбек тилида тақдим этилган тақдирда, асар халқимиз маънавий даҳосининг янгидан-янги мафкуравий қирраларини намойиш қила олишига шубҳа йўқдир.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари номзоди.

Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам

«НАЙМАН ОНА ҚИССАСИ»НИНГ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ

Амалдаги адабиёт дастурининг талабига кўра, 8-синфда атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг «Найман она қиссаси» («Асрга татигулик кун» романидан олинган парча)ни ўрганиш тавсия этилган.

Ўқитувчи «Найман она қиссаси»ни ўрганишга киришар экан, аввало, бу парча «Асрга татигулик кун» романининг бадиий тўқимасига моҳирлик билан сингдириб юборилган афсона эканлигини, унинг асар ғоясини, қаҳрамонлар характерини очишида муҳим ўрин тутишини ўқувчиларга алоҳида таъкидлайди; роман, афсона ҳақида қисқача адабий-назарий тушунча беради: булар ҳақида илгари берилган маълумотларни такрорлаб олади.

«Найман она қиссаси» (роман олтинчи боби)нинг бадиий қурилмаси ўзига хос: у бир эмас, ўзаро боғланган бир неча эпизодлардан ташкил топган ва ҳар қайси эпизод биз илгари таниш ва нотаниш булган асосий ва ёрдамчи қаҳрамонлар образига эгаки, адабий матн устида ишлашда буни алоҳида ҳисобга олиб бормоқ лозим.

«Найман она қиссаси» ва умуман, романнинг бошқа боблари билан танишар эканмиз, ёзувчи воқеалар ичидан воқеалар келтириб чиқариш, асарнинг бош сюжети йўлига ҳеч қандай ҳалал келтирмаган ҳолда, қистирма ҳикоялар яратишга ниҳоятда моҳир эканлигининг гувоҳи буламиз. Романдаги, шу жумладан, «Найман она қиссаси»даги ҳар қайси эпизод ва лавҳа жамиятдаги, кишилар ҳаётидаги муҳим бир умуминсоний муаммони ёритишга қаратилганлиги билан китобхон диққатини ўзига тортади. Айтайлик, «Найман она қиссаси»нинг бошларида бепоён Сариўзак чўлларининг ажиб манзараси, унинг табиати, ҳосилдор ерлари, адирлари, оддий, меҳнаткаш кишилари меҳр билан тасвирланар экан, бу ерларга босқинчи душманларнинг қўққисдан ҳужум қилиб, ҳисобсиз бойликка эга бўлиши, элни эса хонавайрон қилиши аёвсиз фош этилади; ерли халқнинг душманга қарши озодлик учун олиб борган курашига хайрихоҳлик билдирилади ва бу курашнинг жозибали лавҳалари чизилади. Найман онанинг «зикри» лавҳаси ҳам ана шундай зулмга қарши кураш ва ҳурриятпарварлик ғояси билан суғорилган.

У уч таркибий бўлакдан иборат, аммо мазмунан бир бутунликни ташкил этади. Унга Онанинг зикри-ноласи деб қаралса ҳам бўлади. Унда ўз дилбандини соғинган, Ватан озодлиги учун болган курашда дом-дараксиз йўқолган ўғлининг дардида куйган муштипар бир волиданинг фарёди ёрқин эшитилиб туради, ички олами (ўз сўзлари — монологи) орқали очилади, китобхонга чуқур бадиий — эмоционал таъсир этади. У кекса, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, тажрибали, матонатли, ақлли Онанинг, эзилган, яккаю ёлғиз қолган муштипар кампирнинг бутун сиймосини тингловчилар кўз ўнгида гавдалантира билади.

Гап бораётган лирик парчанинг диққатга сазовор томони шундаки, у узича мустақил ҳолда кўринса-да, асарнинг давоми (келгусида биз кўп учратажак Найман онанинг қалб ҳарорати, ғам-ғуссаси) билан узвий боғланади, тўғрироғи, она қалби ўртанишининг сабабияти сифатида кўзга ташланади; бинобарин, асар воқеаларининг янада ривожланиши, қаҳрамон қалб диалектикасининг очилиши, таранглашуви учун хизмат қилади. Ана шунинг учун ҳам углининг ғамида, фироқида қовурилган, алам чеккан Найман она юракларни эзувчи, жунбушга келтирувчи узоқдан-узоқ зикр қилади. Фарзандга қаратилган бу зикр ўз тузилиши, қисмларининг узаро боғланиши, самимийлиги, ҳароратга тўла эканлиги, таълимий-тарбиявий аҳамият касб этиши билан ғоят характерлидир.

Куриниб турибдики, Найман она зикри VI боб матнида ўзига хос ўринга эга; кейинги икки абзаци гапларнинг қурилиши ва мазмуни жиҳатдан бирмунча мураккаб. Бу эса уларнинг синфда ифодали ўқиб бериш учун ишни ўйлаб, тўғри уюштиришни, ўқувчи билан бир эмас, бир неча бор мустақил иш олиб боришни, тушунилиши қийин булган ҳар бир сўз, иборанинг маъносини, жарангини барча ўқувчиларга тушунтиришни талаб этади. Ана шундан кейингина Найман онанинг зикри маъносини онгли равишда қабул қилишга ва мазмунини тўғри ҳикоя қилишга эришилади.

Найман онанинг зикри ўз-ўзини ва жунгжангларни «фош этиш» кучига ҳам эга. Адиб ўз ижодий концепциясига, бадиий услубига содиқ қолган ҳолда асар воқеаларини тобора кескинлаштириш, «сир сақлаш», энг драматик вазиятларни «орқага ташлаш», уларни билишга китобхонлар қизиқишини янада ошириш-да давом этади. Шунинг учун булса керак, Найман она сиймосини кўз ўнгимизда ёрқин гавдалантиришдан олдин, жунгжангларнинг босқинчилик сиёсати билан боғлиқ яна бир воқеани, яъни «Осиёнинг кўчманчи жанубий сарҳадларидан сиқиб чиқарилган» бу қотил душманнинг шимол сари ёпирилиб келиб, Сариўзак даштларини узоқ вақтгача эгаллаб, босиб олган ерларини кенгайтириш ва аҳолини қулликка солиш мақсадида туб халқлар билан тинимсиз уруш олиб борган замонлар ҳақида яна бир шингил ҳикоя қилади. (Бу ҳикоя ўз навбатида юқорида биз танитган Найман она зикрини асослаш ва ривожлантириш билан ҳам боғлиқ ёхуд ўша «тугун» ечимининг бошланишидир).

«Осойишта дамлар...»га (муайян замонга) боғлиқ равишда асардан янги (Найман она афсона билан оҳангдош) янги бир воқеа ўсиб чиқади. Бироқ бу воқеа романга илк бор кириб келган савдогарлар образи орқали баён этилади. Муаллим адабий матннинг ана шу ерини: «осойишта дамларнинг бирида найманликларнинг юртига карвонда мол ортиб келиб қолган савдогарлар чой ичиб ўтираркан, ўзлари кўриб шоҳиди бўлган бир воқеани гапириб беришди» деган гапдан бошлаб, «Найман она йўловчи меҳмонларга сир бой бермади...» деган жумлани ўз ичига олган парчанинг мазмунини ўз тилидан, аммо батафсил айтиб беришни бир ўқувчига таклиф этади.

Ўқитувчи савдогарлар карвони ва манқурт йигит билан боғлиқ ушбу эпизод мазмунини ҳикоя қилиб бергач; «Чой ичиб гурунглашиб ўтирган савдогарлар орасида яна ким бор эди?» деган навбатдаги муаммоли саволни ўртага қўяди ва унга «Гурунг пайти ўтовда савдогарларга чой қуйиб ўтирган бир аёл ҳам бор эди. Бу Найман она эди. Сариўзак афсонасида у шундай ном билан қолди» деган жавобни олади. Шундай қилиб, биз «Найман она қиссаси»нинг бош қаҳрамони булган меҳрибон, муштипар, яккаю ёлғиз, аммо жасоратли, матонатли булган Онани биринчи марта ўз уйида — савдогарлар даврасида учратамиз.

Найман она образининг асарга шу тариқа кириб келиши билан роман сюжети янада ривожланади, янгидан-янги персонажлар пайдо бўлади, уларнинг, хусусан, Онанинг ички ва ташқи қиёфаси, психологияси, ранг-баранг руҳий ҳолатлари очилади.

Гап шундаки, Найман онанинг қалбида ярали бир «сир» бор эди. Бу сирни қабиладошлари, уруғ-аймоқлари билса-да, савдогарлар билмасди. Бу сир Онанинг яккаю ёлғиз углини душман (жунгжанглар) билан булган жангларнинг бирида дому дараксиз йўқотгани билан боғлиқ эди. Бу сирли қайғуни у «йўловчи меҳмонларга» айтиш, шу йўл билан юрагини бушатиш, улар билан ўртоқлашиб, чора-тадбир излашни-да ўзига раво кўрмайди. Бутун дардини ичига ютади. Аммо савдогарларнинг манқурт ҳақидаги ҳикояларини (баъзан уни ҳазил-мазах қилган булишларига қарамай) жон қулоғи, сабр-тоқат билан эшитади. Негаки унинг жангда йўқолган ўғли душман томонига тасодифан ўтиб кетган булса, қулга олиниб, қийноғу азобларга дучор этилиб, манқурт қилинган булиши мумкин-да!? Шундай эмаслигига ким кафолат бера олади? Ҳеч ким! Онанинг қалбини ана шу даҳшатли хаёллар тирнайди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, асардан олинган мазкур парчада Найман онага хос фазилатлар — оғирлик, босиқлик, узгалардан сир сақлаш, меҳмоннавозлик, тадбиркорлик, зийраклик, фикр-мушоҳада қила билиш сингари белгилар ҳам ёрқин намоён булади, унинг ташқи қиёфаси билан бирга, ички руҳий кечинмалари ҳам ёрқин очиладики, у Онани характерлаш учун жуда-жуда зарурдир.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди.

БОҒЧАМИЗДА ҚУТЛУҒ ТЎЙ БУ КУН...

Барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз таълим тизимида ҳам келажак тараққиётимиз учун ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, қадимдан таълим тизимида ўз ўрнига эга бўлган халқимиз учун айни муддао бўлди. Бугунги кунда таълим тизимидаги ислоҳотлар кўламининг ранг-баранглиги ва ҳаётийлиги мамлакатимизнинг ҳар б ир фуқароси учун келажакка мустаҳкам ишонч уйғотмоқда.

Бизнинг Акмал Икромов туманига қарашли 19-болалар боғчасида ҳам бу борада анчагина ишлар амалга оширилаётир. 1976 йил апрел ойида ташкил этилган боғчамизнинг ўтган 20 йиллик фаолияти давомида Тўхтасин Абдураҳмонова, Мойила Муҳамедова, Флора Ибрагимова каби тажрибали педагог-мураббийлар мудиралик қилишган. Бу давр меҳнат жамоаси педагогларининг самарали ва ташкилотчилик фаолиятига бой йиллар бўлди.

Боғчамизнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиш билан биргаликда меҳнат жамоаси, педагоглар ўзларининг ибратли ишлари билан элга танилди. Миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш мақсадида тузилган тарбиячиларнинг «Нозли ёр» фольклор гуруҳи 1986 йили туман муассасалари орасида ўтказилган кўрик-танловда 1-ўринни эгаллади. Болалардан тузилган «Диёр» гуруҳи айнан шу кунларда ўзининг ранг-баранг концерт дастурлари билан меҳнат жамоаларида, оталиқ ташкилотларида фаол иштирок этмоқда. Айниқса, «Паризод», «Кўкча» фабрикалари меҳнат жамоалари болалар гуруҳининг концерт дастурларини соғиниб кутадилар.

Боғча ҳаётини сермазмун ўтказишда мунтазам ишлаб турган рақс-хореография тўгараги ва инглиз, араб тилларини ўргатувчи тўгаракларнинг роли каттадир. Бу тўгаракларга тажрибали педагогларнинг раҳбарлик қилиши ишимизнинг самарали бўлишига олиб келмоқда.

Бизнинг болалар боғчасида «Соғлом авлод учун» дастурини ҳаётга татбиқ этишда кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Тез-тез шамоллаб турадиган болаларни соғлом, жисмонан бақувват бўлиб вояга етказишда тажрибали мутахассислар иш олиб бормоқдалар. Тубус ва кварц муолажалари олиб борилади. Тез кунларда гиёҳлардан қайнатма ва дамлама тайёрлайдиган фитобарни очишга тайёргарлик кўраяпмиз.

Туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосан мазкур болалар боғчасини лицейга айлантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун дастлабки ҳаракатлар бошланиб кетди: низом ва айрим ҳужжатларни тайёрлашга муваффақ бўлдик. Бўлажак лицейда расм, компьютер ва иқтисод фанларидан болалар дастлабки билимларни олишга муваффақ бўладилар.

Д. САМАТОВА,
Акмал Икромов туманидаги 19-болалар боғчаси мудираси.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ

Яқинда Тошкент шаҳридаги 110-ўрта мактабда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган қизиқарли тадбир бўлиб ўтди. Унда аввало ўзбек халқининг азалий урф-одатлари ёд этилди, мактаб ўқувчилари томонидан элимизнинг турли-туман кийимлари кўриги намойиш қилинди.

Даврага кириб келган Баҳоройнинг ҳусну таровати, табрик сўзлари барчанинг қувончига қувонч қўшди. Баҳоройнинг тўлқинли юрак сўзларига ҳамоҳанг куй ва қўшиқлар янграб, тўпланганлар қалбига завқ-шавқ улашди. Шунингдек, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатларидан «Келин салом» маросимининг талқинлари кўрсатилди.

Мактабнинг 9-«К» синфи ўқувчилари томонидан ижро этилган Амир Темур ҳаётидан бир кўриниш саҳна томошаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Театр томошасида подшоҳ ва саркарда Амир Темурнинг эл орасидаги обру-эътибори, ғамхўрлиги, унинг олдий инсонлар билан самимий муносабати ишонарли тарзда намойиш этилди. Саҳна кўринишида ролларни ижро этган Беҳзод Абдураҳмонов, Умрбек Муҳаммадиев, Жамшид Ниёзқулов, Маъруф Жалиловларни кеча қатнашчилари қизғин олқишладилар.

У. МУҲАММАДИЕВ.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БАРРЕЛЬ (инг., асосий маъноси — бочка) — инглиз улчовлар тизимидан фойдаланадиган бир қатор мамлакатларда қўлланиладиган сиғим ва ҳажм улчови. АҚШда қуруқ баррель (115, 628 дм^3) ва нефть баррели (158, 988 дм^3) фарқ қилинади. Инг. баррели (сочилувчан моддалар учун) 163,65 дм^3 га тенг. Халқаро нефть савдосида 1 баррель — 159 л.

БАРТЕР, бартер келишуви (инг.— товар айирбошлаш) — пулсиз бевосита товар айирбошлаш. Кўпроқ ривожланмаган товар муносабатлари даври учун хос булган келишув. Ҳозирги замон бартер келишувининг аниқ шаклари — валютасиз айирбошлаш, компенсацияли келишувлар, турли хил клиринглар. Бартер ҳозирги шароитда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга булмоқда.

БАРТЕР БИТИМИ — келишувга биноан мувозанатли, лекин пулсиз товар айирбошлаш ҳақидаги шартнома. Бартер битими ташқи савдода кўпроқ қўлланади. Кейинги йилларда мамлакат ичида ҳамда корхоналар уртасида кенг тарқалди. Бартер битимига биноан келишган томонлар уз товарларини маълум нархда баҳолайдилар. Бу нарх айирбошлашнинг тенгма-тенг булишини, бож сарф-харажатларини ҳисобга олади. Тенг бараварлик товарларни жаҳон бозори нархларига кўра айирбошлаш орқали таъминланади. Бир томон иккинчисига қарздор бўлиб қолса, у уз қарзини валюта билан эмас, балки товарлар билан узади. Валюта тақчил булса ёки унга ишонч кам бўлса бартер битими қўлланади. Бундай битимга асосан савдо қилганда валюта талаб қилинмайди, бир вақтнинг ўзида экспорт ва импорт муомалалари амалга ошади, улар юзасидан ҳисоб-китоб дарҳол кечиктирилмай ўтказилади. Бартер битимлари икки томонлама ёки кўптомонлама булиши мумкин.

БАЧКИ ЖАМИЯТ — қ. Қиз жамият.

БАҲО — қ. Нарх.

БЕССА — биржа чайқовчилиги; қимматбаҳо қоғозлар курси ёки товарлар нархини пасайтириш мақсадида қилинади. Нархларни пасайтиришга интиладиган чайқовчи қимматбаҳо қоғозлар ёки товарларни маълум муддатга сотади. Келишилган муддат ва унинг ижроси уртасидаги давр мобайнида бозорда нарх тушиб кетса, келишувни бажариш муҳлати келиши билан чайқовчи-сотувчи қоғоз ёки товарларни янада арзонроқ нархда сотиб олиб, ўз контрагентига юқори шартлашилган нархда топшириб, фойда олади. Шундай қилиб, келишув товар ёки қоғозларни амалда етказиб бермай туриб ҳам курс фарқини тулаш билан тугайди. Курс ёки нарх пасайишидаги фарқ чайқовчи-сотувчи фойдасига, нарх кутарилганда эса харидор фойдасига ҳал булади.

БИД 1) товар, қимматбаҳо қоғозларни муайян нархларда, масалан, дилер валютани харид қиладиган ёки қарзга оладиган курс буйича сотиб олиш мажбурияти; 2) еврооблигациялар иккиламчи бозорида харидор таклиф этадиган нарх.

БИЗНЕС (инг). — даромад келтирадиган ёки бошқа наф берадиган хўжалик фаолияти (касб-кор, машғулот); соҳибкорлик, тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд булиш. Бизнес товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Бизнес хўжалик юритиш қуламига қараб йирик, ўрта ва майда турларга булинади. Йирик бизнесга асосан ишлаб чиқаришда 500 дан ортиқ киши банд булган, ўрта бизнесга 20-500 киши банд булган корхона (фирма)лар, майда бизнесга 10-20 ва ундан кам киши ишлайдиган корхонлар киради.

Йирик ва ўрта бизнесга асосан йирик ишлаб чиқариш, кўп сонли товарлар чиқарадиган, механизациялашган ва автоматлаштирилган соҳалар киради. Майда бизнес қишлоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг тарқалган. Майда бизнес шароитга тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради, чунки унинг фаолияти катта маблағ талаб қилмайди ва кичик маблағни тез топиш мумкин. Майда бизнес самарали булганидан кенг тарқалади, айниқса, йирик бизнес учун қулай булмаган соҳаларда авж олади.

Давоми бор.

Боши газетамизнинг ўтган сонларида.

БУГУН — ХАЛҚАРО ЁШЛАР КУНИ

Бугунги ёшлар... Ақлу одобда баркамол, ҳар бир юмушу хизматда шиддат-шижоатли, ўқишу ўрганишда иштиёқлари бисёр... Ёшлар — замонамиз кўрки, чиройи. Ёшлар — келажак эгаси. Қишлоқларда, шаҳарларда: турли билим даргоҳларида, корхоналарда, ташкилотларда улар ўз келажаклари, демакки, инсоният келажаги учун меҳнат қиладилар.

Алқисса, тараққиёт деганлари ҳам ёшлар қалб қўрисиз, улар ақлу шижоати ва қувватисиз амалга ошмайди.

Биз бугун бир-бирларини ўз байрамлари билан қутлаётган барча-барча ёшларнинг юрак қўрлари ҳамиша тафтли бўлишини тилаймиз.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Спорт

КУЧЛИЛАР ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

Жиззах шаҳридаги политехника институтининг спорт залида республика ёшлар ўйинларининг юнон-рум кураши финал мусобақалари бўлиб ўтди. Республиканинг Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари 13 та командасидан 138 киши биринчилик учун қизғин кураш олиб борди.

Уч кун давом этган беллашувлардан сўнг Тошкент шаҳридаги 11-болалар-ўсмирлар спорт мактаби командаси биринчи ўринни қўлга киритди. Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги болалар-ўсмирлар мактаби иккинчи, Қашқадарё вилояти болалар-ўсмирлар спорт мактаби команадаси учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Шахсий биринчиликда 40 килограмм, 43 килограмм, 47 килограмм, 51 килограмм, 55 килограмм, 60 килограмм, 65 килограмм, 70 килограмм, 76 килограмм, 83 килограмм, 95 килограмм вазнда С. Машрапов (Самарқанд), У. Холмуродов, С. Одилов (Жиззах вилояти), О. Ромадин (Тошкент шаҳри), Ш. Холбоев, Ш. Сулаймонов (Жиззах вилояти), Б. Қобулов (Сирдарё вилояти), Ж. Турдиев (Қашқадарё вилояти), А. Волков (Тошкент шаҳри), Ф. Самадов (Қашқадарё вилояти) ва Р. Янгибоевлар (Жиззах вилояти) мусобақа чемпиони бўлишди.

Ғ. МАННОПОВ.

Республика ижодкор ўқитувчиларининг анъанавий V кенгаши олдидан



Ҳар бир ижодкорнинг, энг аввало, эли бўлиши керак. Қадимиятига, қадриятига, ғурурига эга бўлган эли бўлиши керак. Ва шу элнинг сир ила дарди унинг юрагида макон топмоғи, Ватан тутмоғи лозим. Юрагининг мангу оғриғига айланмоғи лозим.

Истеъдодли шоир Даврон Султоннинг шеърларини ўқиганимда хотиримдан шундай фикр кечади. Даврон Султон осойишта ёзади. Вазмин фикрлайди. Лекин, ушбу жиҳатлар замирида мунис бир шиддатли борки, уни фақат идрок билангина, руҳий сезим билангина англаш мумкин.

Даврон Султон қадимий Касби тасарруфидаги қадимий Майманоқ қишлоғидан. Хўжан Мурот бахшининг излари қолган ва унга ҳурмат бажо айлаган ердан. «Ёзи билан Зебо» номли машҳур достоннинг воқеалари кечган жойдан. Шунинг учун бўлса керакким, унинг шеърларидан қадим йўсинларнинг мунглари ва армонлари сезилиб туради. Олислардан келаётган йўлларнинг ҳансирашлари эшитилади. Кўнгулга ўтади. Руҳга кучади. Уни уйғотади. Масъум садога айланади:

- Сибизга чалади мутриба сабуҳ,
  Сандувоч тилидан тўкилар оят.
  Дийдамда ювилган минг йиллик андуҳ,
  «Аналҳақ» ҳақида суйлар ривоят.

Икром ОТАМУРОД.

УЙҒОНИШ

Оғир карвон кунлар кечар жим,
Кўлранг кечам тош қотган сукут.
Увишган дийдамга томчилар сим-сим,
Кўзим косасидан тўкилган булут.

Руҳимда чақмоққа айланган ҳайрат,
Жимлик бўғзидаги акс-садо уйғон.
Безовта туйғулар қиличин қайраб
Жонсарак кўнгулда қўзғол, ҳаяжон.

Туғён кўзга, қалбнинг кўҳна ярасин,
Тепангдан шамоллар куй чалиб ўтар.
Юзларингни уйғоқ шамол яласин,
Қадим Туркий лисон туғини кўтар.

ОҚ ҚАЛДИРҒОЧ

Маржон-маржон юлдуз ёғар фалакдан зор,
Қора туннинг қозонида ой қовурмоч.
Тун бағрини йиртиб учган бир қушим бор —
Оқ қалдирғоч,
Оқ қалдирғоч,

Қор кўрпасин ёриб чиққан оқ чечагим,
Муз эрийди нигоҳингдан, кўзингни оч.
Тун қўйнида титраган ой келинчагим —
Оқ қалдирғоч,
Оқ қалдирғоч,
Кўзим фалак сирин ичар ҳовуч-ҳовуч,
Юлдуз каби чақнаб турган жонинг тилмоч.
Бу санг дунё юрагини кўтариб уч,
Оқ қалдирғоч,
Оқ қалдирғоч.
Қора кўзи куйиб-куйиб боқсин сенга,
Кўкрагида тош жойлаган қиз қорасоч.
Майли оппоқ тошларини отсин менга,
Оқ қалдирғоч,
Оқ қалдирғоч.
Тил остингда дурдай титрар менинг жоним,
Қарғаларга қилма уни талон-тарож.
Куҳи нурдай ром айлагин бу дунёни,
Оқ қалдирғоч,
Оқ қалдирғоч.
Мен чақмоқдай бир ёнсам-да, ўчсам шу зум,
Бош устимда ёқа йиртса ой яланғоч.
Изимдан дод солиб қолар ёлғиз қушим —
Оқ қалдирғоч,
Оқ қалдирғоч.

ҲОЛАТ

Бошимда шамоллар қамчиси синар,
Елларга эргашиб оввора жоним.
Япроқлар кўксида шабнам хўрсинар,
Ёмғирлар нолиши бузар дунёни.
Руҳимни қитиқлар оҳанглар саси,
Тошдийда довуллар «ув» тортиб йиглар.
Қаноти ҳўл булган қушлар галаси,
Илоҳий овозда куйлар қушиқлар.
Совуқ ел чилпиган гулларнинг барги,
Осмон йиғисидан қорайган бадтар.
Ёмғирда ғубори ювилган дардим,
Юлдузлар боғини сайр этиб қайтар.

Даврон СУЛТОН,
ўқитувчи.

Ҳуллас...

«ГРАЖДАНЛАР! ПУЛЛАРИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАСИДА САҚЛАНГ,

агар бўлса». Машҳур «Иван Васильевич касбини ўзгатиради» фильмидаги Милославскийнинг ушбу луқмаси анча мантиқли кўринади. Акс ҳолда, Уфадаги қариялар доғда қолиб ўтиришмасди. Уларнинг уйига бостириб кирган икки ўғри қўлга илингулик ҳеч ваҚо топа олмагач, бурчакда турган эски телевизорни кўтариб кетишди. Чол-кампир куйиб қолаверишди. «Эски телевизор қўйишга арзирмиди? Жони омон қолибди-ку», дерсиз. Ҳамма гап шундаки, боёқишлар йиғиб қўйган 30 минг рубли ўша телевизор ичида экан-да.

ЕГОРШИНЛИК «ПАҲЛАВОНЛАР»

Егоршин шаҳрилик беш яшар икки бола йўлда ётган ўттиз килограммча келувчи темирни судраб-судраб, темир йўл бўйига олиб келишди. Сабаби — эрмак: поезд темирни эзиб ташлай олармикин — йўқми? Шуни аниқлаб олмоқчи бўлишди. Афсуски, ниятлари амалга ошмади. Келаётган юк поезди тўсиқни узоқдан илғаб, тўхташга муваффақ бўлди.

Эрмакталаб болаларнинг ота-оналарига бўлган воқеа тўғрисида маълум қилинганида, улар ҳатто ишонишмади ҳам. «Қобил фарзанд»ларини бор кучлари билан оқлашга уринишди. Бироқ йўқни йўндириб бўлмайди-ку.

ДУНЁ БЎЙЛАБ 80 КУН

Саёҳатлару саргузаштлар ишқибози Фёдор Конюхов Жюль Верннинг қаҳрамонига айланмоқчи. Фақат ундан фарқли ўлароқ, Конюхов дунёни биргина елканли қайиқда айланиб чиқмоқчи.

Гап шундаки, финляндиялик академик Роберт Гяйккенан лойиҳаси бўйича ўзига хос қайиқ ясалди. Унга 12 киши сиғади. Ва унинг афзаллигини исботлаш мақсадида дунё бўйлаб сафарга чиқиш масаласи ўртага ташланди. Ҳуллас, рус саёҳатчиси 80 кунда ушбу ишни уддаламоқчи.

«ОМАД КЕТСА

камбағални туяни устида ҳам ит қопади». Москвалик Василий деган кимса ҳам «ит қопган»лардан бўлиб чиқди. Оёқ бармоғидаги яра туфайли дўхтирларга мурожаат қилганидан сўнг бошланди, барча даҳмаза.

Дўхтирлар бармоқни кесайликми, кесмайликми, деб ўйларига еттунича, шўрликда гангрена бошланди. Оёқни тўпиғидан кесиб ташлашди. Лекин шу билан барчаси тугаган эмас. Қўлтиқтаёқда зинадан тушаётган Василийнинг оёғи тойиб йиқилди ва бош мияси қаттиқ лат еди.

ана шунақа гаплар.

Шаҳар бедарвоза эмас

УЧ МИНГ СУМЛИК ЯХШИ БАҲО

Андижон шаҳридаги Индустриал техникуми ўқитувчиси О. Р. «яхши» баҳонинг яхшигина даромад келтиришини «кашф» этди. Ўз талабаларидан бирига бошингни қотирмай «4» баҳо олишни хоҳлайсанми деган имо-ишорани қилганди, у ҳам жон деб қўна қолди. Аммо, талабага яхши баҳо учун ўқишдан ҳам кўра, яхши баҳонинг «нархини» тўплаш оғир бўлди.

Сиртқи бўлим талабаларининг «сиртдан» имтиҳон топширишга ёрдамга келган ички ишлар ходимлари домланинг кашфиёти бебаҳо деб қайд этишди. Аммо уни ҳаётга тадбиқ этиш ўта зарарли эканлигини қайта-қайта таъкидлашди. Шу боис, «яхши» баҳо учун 3000 минг сўм пора олмоқчи бўлган домланинг қўлига кишан солиш ҳақида зудлик билан қарор қилдилар.

БОШҚА «УСТОЗ»ЛАР ҚЎЛИДА

Сурхондарё вилояти ИИБга тушган хабарга кўра номаълум шахслар Оқтепа жамоа хўжалигида яшовчи А. Б.нинг уйига бостириб киришиб, уни қўрқитишади. Сўнгра бир дона магнитафон ва икки ярим минг сўм пулни олиб, воқеа жойидан жўфтакни ростлаб қолишади. Тезкор саъйи ҳаракатлар туфайли босқинчилар ушланди. Улар, ҳеч қаерда ишламайдиган Бобоназаров, Тиловов ҳамда уларнинг шогирдчаси, яъни педагогика билим юрти толиби Жуманазаров экан.

ТАЛАБАНИНГ «ТИРИКЧИЛИГИ»

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида яшовчи Нуриддинованинг уйига «тушган» икки босқинчи шахс уни қўрқиттанча 1500 АҚШ доллари, 5 минг сўм пули ва уч хил тилла тақинчоқларини олиб кетишди. Нима қиларини билмай боши қотган жабрдийда аёл ички ишлар бўлимига келди. Милиция ходимлари воқеа тафсилотини батафсил суриштиргач, дарҳол уни кимлар қўрқиттанини аниқлаб, зўравонларнинг қўлига кишан солишди. Аянчлиси шу бўлдики, бир ишламайдиган безори йигитнинг шериги А. Бозоров Тошкентдай шаҳри азимда Тиббиёт олийгоҳида ўқир экан.

Шу боис, талабанинг бу «тирикчилиги» ҳозир ички ишлар ходимлари томонидан батафсил ўрганилмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Республика Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази ходими.

Қутлов

САЛМОҚ

Ёшлари саксондан ошган бўлишига қарамай Халил Валиев ҳамон тетик, бардам, бақувват, ижодий камолот йўлида. У Республика Таълим илмий-методика марказида физика шўъбасининг етакчи методисти сифатида ўзининг улкан педагогик тажрибаларини оммалаштирмоқда ҳамда ёшлар мураббийси сифатида фаолдир.

У Бухоро, Хўжанд педагогика институтларида таълим олиб, Бухоро, Термиз, Наманган ва Чоржўй шаҳарларида физика ва математика фанидан дарс берди. Ўнлаб, юзлаб ўқувчи ёшлар қалбида физика фанига булган ихлосни уйғотди, улар орасидан ажойиб физик мутахассислар етишиб чиқди.

Самарали, ҳалол ва астойдил қилинган меҳнат қадрланади. Олтмиш йилдан буён Ўзбекистон, Тожикистон, умуман, Марказий Осиё давлатлари учун физика-математика фанлари бўйича муносиб мутахассислар етиштириб келаётган доцент Х. Валиев «Ўзбекистон Республикаси халқ Маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланди.

Ҳозирги пайтда ҳам йирик услубчи олимнинг ижодий-методик фаолияти қизғин. Унинг ҳузурида нафақат Республикамиздан келган физика ва математика фани ўқитувчилари, балки РТИММ ходимлари ҳам бўлишиб, қимматли ҳамда қадрли маслаҳатларини олишади, уни ўзларига устоз деб билишади.

Устозга шундай тилагимиз бор! 90, 100 ёшлик тўйларингизни бирга ўтказайлик. Умрингизнинг салмоғи, бугунгидек яхши кунларингиз давом этаверсин!

Каримжон НОРМАТОВ,
Республика таълим илмий-методика маркази директори муовини, профессор.

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 1996 йил 1—30 май ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудирлари;

Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари.

1.05 — 30.05.96 й.

II. Мактабгача тарбия муассасаларининг логопедлари.

1.05 — 20.05.96 й. Қисқа муддатли курс.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида ёш болали тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1-3 майгача қабул қилинадилар.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси 6- уй.

Студентлар шаҳарчаси.

Телефонлар: 46-98-04. 46-90 -94.

ТИНЧЛИК КОРПУСИ – ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА

IN ENGLISH

April 1996 Issue No. 17 *English Teachers' Newsletter of Uzbekistan*

Letter from the Editors,

Earth Day is on April 22. What is earth Day? It is celebrated all around the world as a day in which we pay special attention to the environment. In part, we look at how we can help preserve the earth. Pollution and population are just two examples of how people put a strain on the environment. Many people are concerned that soon the earth will be too damaged for future generations to enjoy.

By celebrating Earth Day you can make a commitment to last the entire year. Perhaps you can recycle, use less water and gas and only throw trash away in designated trash sites.

In this issue of In English we look at ways you can bring the environment into the English classroom and what some cities are did to celebrate Earth Day.

Anne Hauk
Joe Dalsin
Editors

Trash in the Class

by Erica Olmstead
School #36
Nukus

A good way to get your pupils interested in trash and the environment is to make a small sanitary landfill in the classroom. For the experiment you will need a large container; the glass milk containers work great and a piece of fruit or vegetable, I used a bit of pumpkin peel. You will also need a piece of plastic, such as an empty Snickers wrapper. And soil. Place some soil in the bottom of the container. Then add the vegetable and plastic and then more soil on top. Put the container in a warm place, and keep the soil damp.

After one week check to see what has happened to the plastic wrapper and the vegetable. Does the vegetable look different? Does the plastic look different? Which material is more harmful to the environment? I asked my pupils these questions and we talked about how some things decompose, or break apart while others persist, lasting for a long time. The pumpkin peel helps the soil while the plastic wrapper does just the opposite.

This lesson led to other talks about trash and how to solve some of the problems of trash in their neighborhood. One pupil suggested using empty coke cans for drinking water, another said that she holds her pencils in them. Still another pupil said that she would only throw her trash in garbage cans.

Classroom Activity

By Muhabbat Zokirjonova
Ibrohim Okhunov Lyceum
Namangan Region

Sometimes we play a game "Who knows much?". In this game pupils make up 10 questions.

For example:

	The 1st team	The 2nd team
1.	What are you?	Where are you?
2.	What is your father?	Who teaches pupils?
3.	Where was Navoi born?	Who is favorite actor?
4.	Are you male?	With whom do you prepare your homework?
5.	How long do you stay at school?	How many lessons have you today?
6.	When do you get up?	What is the capital of the USA?
7.	When was the Independence of our Republic proclaimed?	Who is the president of Uzbekistan?
8.	Do you speak French?	Are you a doctor?
9.	It is raining, isn't it?	Do you live in the USA or Uzbekistan?
10.	How many regions are there in Uzbekistan?	What lesson is it now?

One pupil from each team gives questions to the other team. The pupils of each teamanswer the questions in chorus and quickly. The team who anwers the most questions first wins.

NUKUS CELEBRATES EARTH DAY: Every Day is Earth Day

From the 20th to the 24th Nukus is joining many other countries and celebrating Earth Day. We are having Environmental classes and exercises with school children, an Eco Concert, and an exhibit of the drawings submitted for the contest which were done by students from all over Uzbekistan. There will also be tree planting,, an art concert and a population game and mural competition. The organizers of Nukus Earth Day 1996 are Peace Corps Volunteers, EcoSchool "Zemliyane," EcoClub "Shaghala," EcoClub "Green Tie," the School Karla Marksa, "Sotto Voce" and the Savetsky Museum , The sponsors are Charity and Health Fund of Karakalpakistan,Dvorets Shkolnikove,UNDP

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the ENglish Teachers' Newlsetter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

TASHKENT
BOX 476
ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САЙИД.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0202. Тиражи 39710. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6